

Ўзбекистон халқи номидан фақат у сайлаган Республика Олий Мажлиси ва Президенти иш олиб бориши мумкин.

Жамиятнинг бирон-бир қисми, сиёсий партия, жамоат бирлашмаси, ижтимоий ҳаракат ёки алоҳида шахс Ўзбекистон халқи номидан иш олиб боришга ҳақли эмас.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси II боб, 10-модда.



Хабар

ERURSEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN

44

(1154)

31-OKTABR

2014

www.xabar.uz

info@xabar.uz

1992-yil martdan chiqa boshlagan

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ALOQA, AXBOROTLASHTIRISH VA TELEKOMMUNIKATSIYA TEXNOLOGIYALARI DAVLAT QO'MITASI NASHRI

2014 ЙИЛНИНГ 9 ОЙИДА:

АЛОҚА,
АХБОРОТЛАСHTИРИШ ВА
ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
СОҲАСИДАГИ
КОРХОНАЛАР
ТОМОНИДАН

3

ТРИЛЛИОН

65

МИЛЛИАРД

450

МИЛЛИОН
СЎМЛИК
ХИЗМАТЛАР
КЎРСАТИЛДИ.
БУНДА ЎСИШ
СУРЪАТИ
ЎТган йилнинг
ШУ ДАВРИГА
НИСБАТАН

23,7

ФОИЗНИ
ТАШКИЛ ҚИЛДИ.
ШУ ЖУМЛАДАН,
АҲОЛИГА

1869,2

МИЛЛИАРД
СЎМЛИК
АЛОҚА ХИЗМАТЛАРИ
КЎРСАТИЛДИ.
БУНДА ЎСИШ
СУРЪАТИ

22,5

ФОИЗНИ
ТАШКИЛ ЭТДИ.

2-бет



САНОАТЧИЛАР

ФОРУМИ

"ЎЗЭКСПОМАРКАЗ" ДА 28 ОКТЯБР ВА
1 НОЯБР КУНЛАРИ VIII ХАЛҚАРО САНОАТ ЯРМАРКАСИ ВА
КООПЕРАЦИЯ БИРЖАСИ БЎЛИБ ЎТМОҚДА

Анъанага айланган Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси бу йил саккизинчи бор ўтказилмоқда. Ярмаркадан кўзда тутилган мақсад – рақобатдош, экспортбон ва импорт ўрини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни янада рағбатлантириш, экспорт қилиш учун келишув ва битимлар имзолашга кўмаклашиш, хўжалик субъектларига ишлаб чиқаришни оптималлаштириш, ички тармоқ ва тармоқлараро, шунингдек, кичик бизнес ҳамда йирик

корхоналар ўртасида саноат кооперациясини кенгайтириш ва мустақкамлашдан иборатдир.

Таъкидлаш керакки, мамлакатимиз ишлаб чиқаришнинг истиқболли йўналишларини ривожлантириш ва маҳаллий хом ашё асосида янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, кооперация алоқаларини янада мустақкамлашда улкан ютуқларни қўлга киритяпти. Бу импорт ўрини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш, экспорт салоҳиятини янада

ошириш имконини бермоқда. Бу борадаги ишларни янада ривожлантириш, мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этишда Президентимиз Ислам Каримовнинг 2007 йил 12 ноябрда қабул қилинган "Ички тармоқ ва тармоқлараро саноат кооперациясини янада кучайтириш чоратадбирлари тўғрисида"ги фармониغا мувофиқ ҳар йили ўтказиб келинаётган Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасининг аҳамияти жуда катта бўляпти.

3-бет

Сўнгги янгилик!



ОПТИК КАБЕЛДА РЕКОРД ТЕЗЛИК

Эйндрховен технология институти (Нидерландия) ҳамда Марказий Флорида университети (АҚШ) мутахассислари ҳамкорликда 255 Тбит/сония тезликда маълумот узата оладиган оптик толали кабел ишлаб чиқишди. Таъкидлаш керакки, бу ҳозир телекоммуникациялар бозорига таклиф этилаётган кабелларга қараганда 2,5 минг марта юқори тезликни англатади.

255 Тбит/сония тезликда 1 гигабайт маълумот 31 микросекундда, 1 терабайт маълумот 0,03 сонияда узатилади.

Jumadan umagacha

● **Ўзбекистон Республикаси Президентининг Исрол Каримов Туркменистон Президентининг Гурбангули Бердимухамедовнинг таклифига биноан 23-24 октябрь кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди. Ташрифнинг асосий воқеалари 24 октябрь кунини бўлди. Расмий кутиб олиш маросимидан кейин Президентларнинг тор доирадаги учрашуви бўлиб ўтди. Кенгайтирилган таркибдаги музокарада савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар ҳамкорлик масалалари кўриб чиқилди. Музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Исрол Каримов ва Туркменистон Президентининг Гурбангули Бердимухамедов Қўшма баёнотни имзоладилар. Икки мамлакат ўртасида замонавий қишлоқ хўжалиги техникаси воситалари етказиб беришга, ташқи савбат маҳкамалари ва савдо-санаят палаталари ўртасидаги муносабатларга, экология соҳасида ҳамкорликка оид ҳужжатлар имзоланди.**

● **Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Туркменистон Президентининг Гурбангули Мияликүлиевни Бердимухамедовни "Мустақиллик" ордени билан мукофотлаш тўғрисида"ги фармони ҳамда Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон пахтакорлари ва барча меҳнаткашларига йўллаган табриги эълон қилинди.**

● **Урганч шаҳрида 28-29 октябрь кунлари "Орол денгизи минтақасидаги экологик офат оқибатларини юмшатиш бўйича ҳамкорликни ривожлантириш" мавзусидаги халқаро конференция бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Оролни қўқариш халқаро жамғармаси раиси Исрол Каримов аяжаман иштироқчиларига табрик йўлади.**

● **Термизда Президентининг 2004 йил 25 майдаги "Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини кўллаб-қувватлаш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони ижросига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишда оила-лар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш, никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш, хотин-қизлар бандлиги, доимий ишловчи комиссиялар фаолияти билан боғлиқ масалалар атрофида муҳокама қилиниб, тегишли чора-тадбирлар белгиланди.**

● **Яқинда Хитойнинг Чойшан шаҳрида "Соғлом бола йили Давлат дастури"га бағишланган тақдирот бўлиб ўтди. Мазкур тадбир мамлакатимизнинг Шанхайдаги Бош консулнинг томонидан ташкил этилди.**

Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси Ҳайъатининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Шу йилнинг тўққиз ойи давомида амалга оширилган ишлар сарҳисобига бағишланган мазкур мажлиси Ҳайъат раиси Хушид Мирзахидов олиб борди.

ЮТУҚЛАР ОЗ ЭМАС, АММО...

Соҳа раҳбари ҳисобот даврида соҳага оид ҳукумат қарорлари билан белгиланган дастурлар ва тадбирларнинг бажарилишини таъминлаш бўйича салмоқли ишлар олиб борилгани ва қатор ютуқларга эришилганлигини қайд этиб, ушбу ижобий натижалар билан чекланиб қолмасдан, янада собитқадамлик ва шижоат билан юксак муваффақиятларга эришиш зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Ҳайъат кун тартибидagi асосий масала — "2014 йилнинг 9 ойида алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳаси корхоналарининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари" тўғрисида қўмита раиси Уринбосари Алишер Файзуллаев маъруза қилди. Маърузачи ўтган тўққиз ой давомида соҳани ривожлантириш якунлари, экспорт, инвестиция, "Соғлом бола йили Давлат дастури" ижроси ҳақида батафсил сўз юритди. Хусусан, ҳисобот даврида изчил юритилган чора-тадбирлар натижасида яхши кўрсаткичларга эришилганини алоҳида таъкидлади.

Жумладан, ҳисобот даврида компьютер дастурлаштириш хизматлари 129,1 миллиард сўмни ташкил қилиб, ўсиш суръати 20,6 фоизга етди.

Ўтган тўққиз ойда Инвестиция дастурига қўмита бўйича киритилган лойиҳаларга асосан корхоналарнинг ўз маблаглари ҳамда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобига жами 122,18 миллиард АҚШ доллари (282,53 миллиард сўм) ўзлаштирилиб, режа 113 фоизга бажарилди.

Ўтган даврда "Ўзбекистон Республикаси магистрал тармоқлар ўтказувчанлигини кенгайтириш" ва "FTTx технологияси асосида кенг полосали оптик тармоқларни ривожлантириш", "Ўзбектелеком" АК "ЎзМобайл" мобил алоқа оператори тармоғини яратиш", "Жиззах" МИЗда тўртта қўшма корхона ташкил этиш борасидаги лойиҳалар бўйича тегишли ишлар олиб борилди ва бу ишлар давом эттириляпти. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 27 июндаги 1989-қарори билан "Ўзбекистон Республикасида телекоммуникация

Ҳозирги кунда халқаро интернет тармоғига улашиш тезлиги 12740 Мбит/с.га етди. Ўтган йилнинг шу даврида бу микдор 9640 Мбит/с.ни ташкил этган.

технологиялари, тармоқлари ва алоқа инфратузилмасини 2013-2020 йилларда ривожлантириш дастури" тасдиқланган бўлиб, ҳозирги кунга қадар мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида бир қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Йил бошида ўрнатилган портлар сони 575145тани, фойдаланилган портлар сони эса 288997тани, 2013 йилнинг шу даврида ўрнатилган портлар сони 463497тани, фойдаланилган портлар сони 276118тани ташкил қилар эди. Кенг полосали телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш бўйича

Ҳозирда умумий ўрнатилган портлар сони 619594та, фойдаланилган портлар сони эса 368135тага етди.

амалга ошириляётган ишлар натижасида ҳозирда умумий ўрнатилган портлар сони 619594тани, фойдаланилган портлар сони эса 368135тага етди.

Провайдерлар учун интернет тармоғига улашишнинг нархи йилдан-йилга арзонлаштириляпти. Айни пайтда глобал тармоққа улашиш нархи 1 Мбит/с. учун 286,74 АҚШ долларини ташкил қилади. Жорий йил бошида бу нарх 312,58 АҚШ долларини, 2013 йилнинг шу даврида 347,15 АҚШ долларини ташкил этган.

"Ўзбекистон почтаси" АЖ томонидан қишлоқ ҳудудларидаги почта алоқа бўлимларида АКТни жорий этган ҳолда замонавий хизматларни кўрсатиш учун белгиланган 44та почта алоқаси бўлими ўрнига 441та почта алоқаси бўлими компьютер техникаси билан таъминланиб, корпоратив компьютер тармоққа боеланди.

Маълумки, соҳага АКТга ихтисослашган 74та касб-ҳунар коллежи бирктирилган. Жорий йилнинг 17 октябрь ҳолатида мазкур коллежларнинг иш билан таъминланган битирувчилари сони 20145 нафар ва олий таълим муассасасига ўқишга кирган битирувчилар сони 1293 нафарни ташкил қилди.

Ҳисобот даврида соҳа корхоналарига 3021та мурожаат тушган. Эътиборлиси, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан шижоат тарихидаги мурожаатлар камайган. Айниқса, корхоналар айби билан юзага келган шикоятлар 2013 йилнинг шу даврига нисбатан 19,6

Ягона портал орқали уй-жой коммунал хўжалиги, алоқа, АКТ, молия ва банк хизматлари ҳамда бошқаларни ҳисобга олган ҳолда турли соҳа ва йўналишлар бўйича 220дан ортиқ хизматлар кўрсатилямоқда.

фоизга, жумладан, телекоммуникация йўналиши бўйича 21 фоизга, почта йўналишида 3 фоизга камайган.

Ягона порталда бир қанча хизмат турларига, жумладан, электр энергияси, чиқиндиларни утилизация қилиш, совуқ сув ва табиий газ учун тўловларни "SMS-To'lov" тизими орқали амалга ошириш имконияти яратилди.

2014 йил мобайнида uMail.uz бепул электрон почта хизматидида фойдаланувчиларга 200 Мб ўрнига 1 Гб ҳажмдаги почта қутиси тақдим этилмоқда. Ушбу ўзгаришлар электрон почта тизими фойдаланувчилари сонининг жадал суръатлар билан ошишига хизмат қилапти.

Йиғилишда, шунингдек, "UZINFOCOM" маркази директори И.Жўраев, қўмитанинг кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўлими бошлиғи К.Муллабоев, қўмитанинг иқтисодий прогнозлаштириш, таҳлил ва тарифлар бўлими бошлиғи Р.Дадамухамедов, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси бошлиғи Ф.Умарходжаев ва "Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази" ДУК бош директори Ф.Зияевларнинг ҳисоботлари тингланди.

Мажлис сўнгида қўмита раиси Х.Мирзахидов соҳада эришилган ютуқлар оз эмас, аммо ҳали фойдаланилмаган имкониятлар жуда кўп эканига алоҳида диққатни қаратди. Айрим корхоналар баъзи йўналишларда режани бажармади, деди Ҳайъат раиси ва интерактив хизматлар ривожидида сусткашлик бўляётганини, санаят ишлаб чиқариш корхоналарида тайёр маҳсулотлар сотилмай тўпланиб қоляётганини адолатли танқид қилди. Ҳайъат раиси келгуси вазибаларга тўхталар экан, йил якунига қадар режаларни ўз муддатида бажариш, ишлаб чиқариш йўналишларида сезиларли ўзгаришларга эришиш, веб-сайтларни давр талабига ҳамоҳанг равишда модернизация қилиш, рақамли телевидение тармоғини кенгайтириш бўйича ишларни жадаллаштириш, давлат интерактив хизматларини кучайтириш, куз-қиш мавсумига пухта тайёргарлик кўриш зарурлигини алоҳида уқтирди. Соҳа раҳбари тараққиётга эришиш учун ташаббус қўрилиш, вазибаларни бажаришда қатъиятлик кўрсатиш, ҳар бир ишга масъулият билан ёндашиш лозимлигини алоҳида таъкидлади.

Ҳайъатда кўрилган масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

◀ 1-бет

Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси ҳар йилгидек, икки босқичда ўтказилди. Март-июн ойларида ҳудудий ва тармоқ саноат ярмаркаларининг биринчи босқичи бўлиб ўтди. Уларда 3,8 мингдан ортиқ корхона 19 минг турдан зиёд маҳсулотларини намойиш этди. Ярмаркалар якуни бўйича 2014 йилда саноат кооперацияси асосида қиймати 890,5 миллиард сўмлик маҳсулот етказиб беришга доир ҳўжалик шартномалари ва 260,2 миллион долларлик экспорт шартномалари тузилди. Форумнинг иккинчи босқичида мамлакатимизнинг 1,7 мингдан зиёд корхона, компания ва ташкилотлари намойиш этаётган 20 мингдан ортиқ товар ва хизматларнинг олти юздан зиёди Маҳаллийлаштириш дастури доирасида ўзлаштирилган янги турдаги маҳсулотлардир. Мазкур тадбирлар мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳақида тўлақонли маълумот бериш, ички тармоқ ва тармоқлараро кооперацияни кенгайтириш, илгари четдан олиб келинган маҳсулотларни юртимизда ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, шунингдек, бўлажак ҳамкорлар ва хорижий мижозларни жалб этишга кўмаклашмоқда.

Беш кун давом этадиган Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасида автомобилсозлик, машинасозлик, электротехника, қурилиш, металлургия, кимё, нефтькимё, фармацевтика, озиқ-овқат ва энгил саноат каби кўплаб йирик саноат корхоналари, етакчи ишлаб чиқарувчилар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, шунингдек, ҳудудларнинг бодан ортиқ ишлаб чиқарувчилари марказлаштирилган тақдимотларини ўтказиш режалаштирилган. Ишбилармонлик муносабатларини ўрнатиш ва йўлга қўйиш, моддий ишлаб чиқариш секторида тадбиркорлик ҳамда новаторлик лойиҳаларини ривожлантириш мақсадида ярмарка иштирокчиларига Ўзбекистоннинг 2014-2015 йилги саноат маҳсулотлари каталоги таклиф этилмоқда. Унда мамлакатимиздаги 2300дан зиёд корхона ва улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар тўғрисидаги ахборотлар жамланган.

Барча тадбирлар жуда фаол ўтмоқда. Маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш секторлари бўйича жойлаштирилган, батафсил ахборотларнинг тақдим этилаётгани ярмарка иштирокчи ва меҳмонларига ўзларини қизиқтирган объектлар, расмий вазилларни тез топишга кўмаклашмоқда.

Халқаро саноат ярмаркаси ўтказилган павилонларни айланамиз. Турли корхона, кўшма корхона, компания ва фирмалар ўзларида ишлаб чиқарилаётган энг сўнгги моделдаги маҳсулотларини намойиш этишяпти. Бизнинг диққатимизни сифатли хом ашёдан тайёрланган глобуслар ўзига тортди. Кўргазмага ташир буюрувчилар ўзимизда ишлаб чиқариш йўлга қўйилган бу глобусларни ҳайрат билан томоша қилишар, унинг нархи, қаердан топиш мумкинлиги билан қизиқишарди.



САНОАТЧИЛАР ФОРУМИ

"Ўзэкспомарказ" да 28 октябр ва 1 ноябр кунлари

VIII Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси бўлиб ўтмоқда



Мамлакатимизда жорий йилнинг ўтган 9 ойида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 8,4 фоиз, истеъмол товарлари 11,3, чакана товар айирбошлаш 14,2 ва пулли хизматлар 11,1 фоиз ўсди.

Уларнинг саволларига "Ziyo-globus" фирмаси раҳбари Бобуржон Зокиров батафсил маълумот берар эди.

— Фирмамиз глобуслар ишлаб чиқарувчи Ўрта Осиёда ягона корхона ҳисобланади, — деди ёш тадбиркор. — Биз ўқувчилар учун, офисбоп ва кичик глобуслар ишлаб чиқаришни йўлга қўйганмиз. Мақсадимиз келажагимиз эгалари бўлган болалар билими ошишига, салоҳияти юксалишига муносиб ҳисса қўйишдир.

Глобуслар кўргазмага қўйилган жойнинг рўпарасига "Ўзбектелеком" АК "TELMAX ELEKTRONIKS" корхонаси жойлашибди. Бу ердаги маҳсулотларни кўздан кечиришмоқда. Биз улардан бирини сўхбатга тортдик.

— Менга мана бу CDMA 2000 1х қурилмаси маъқул келди, — дейди Сурхондарёдан келган Баҳодир Эркинов. — Тақдим этувчиларнинг гапларига қараганда, мазкур қурилма "UzMobile" компаниясининг 450



Суратларда: Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси корхоналари Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасида.

МГц частотада ишловчи стационар мобил телефонлари учун фойдаланилар экан. Қурилма ташқи антенна сигналларини қабул қилиш қийин бўлган жойларга мўлжалланган бўлиб, бу биз, қишлоқ жойларида яшовчилар учун айни муддао.

— Биз асосан "Ўзбектелеком" АК филиаллари буюртмасига асосан маҳсулот ишлаб чиқарамиз, — деди корхона катта муҳандиси Жавдат Камолов. — Бугунги каби ярмаркаларда иштирок эта туриб, бошқа соҳалардан ҳам харидорлар топилаётганидан хурсандимиз. Сабаби, маҳсулотларимиз сифатли ва ҳаммабоп. Масалан, мана бу ўқувчи ва талабаларни компютер қисмлари билан таништиришга мўлжалланган ўқув макети. Бу ўқитувчилар учун ҳам, ўрганувчилар учун ҳам жуда қулай. Мана бу шкаф баландлиги 42 сантиметр бўлган 19, 24 дйюмли телекоммуникация қурилмаларини жойлаштириш учун мўлжалланган. Бунисида эса оптик толали кабеллар тақсимланади. Бу "Оптика уйгача" лойиҳасини амалга оширишда ишлатиладиган, кўп қаватли уйлар йўлга қўйиладиган хавфсиз шкаф бўлиб, унга электр ҳисоблагич ҳам ўрнатилади.

"Telecom Innovations" компанияси замон билан ҳамқадам одим ташлаётган корхоналардан бири. Бугунги кунда мазкур компания мутахассислари, ўз номидан келиб чиққан ҳолда, истеъмолчиларга электрон телекоммуникация технологияларининг энг сўнгги ютуқлари асосида маҳсулот тайёрлашни йўлга қўйишган. Бу ерда рақамли

телевидение учун Set Top Box қабул қилгичлари ишлаб чиқарилаётганига анча бўлди.

— Компаниямиз давр талаби асосида 2010 йилда ташкил этилди, — дейди кўшма корхона менежери Баҳодир Рустамов. — Маҳсулотларимизга талаб катта. Биз бундан кейин ҳам истеъмолчилар талабини қондириш учун бор куч ва имкониятларимизни ишга солган ҳолда меҳнат қиламиз. Телекоммуникация соҳасидаги ҳар бир янгиликни ўрганиб, ундан фойдаланамиз.

Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация соҳаси учун маҳсулот ишлаб чиқарувчилар кўпайиб бораётгани бизни мамнун этди. Жумладан, "OLIVE TELECOM" да турли процессор, мультимедиа маҳсулотлари каби 15тага яқин қурилмалар, "FVTECH" ва "FORT PRO BIZNES" да турли кўринишдаги компютер, моноблок, ноутбук ва планшетлар, "Hi-tech kabel" да оптик толали алоқа кабеллари, "ARTEL" да замонавий мобил телефонлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган бўлиб, улар замон талабига мос равишда тайёрланаётган маҳсулотларини мамнуният билан ташир буюрувчилар эътиборига ҳавола этишмоқда.

Мазкур Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси юртимизнинг истиқлол йилларида кўлга киритган утуқлари намойиши билан янада аҳамиятлидир.

Усмонжон ЙЎЛДОШЕВ,
Муборак МИРКАМОЛОВА,
"Xabar" мухбирлари

Xalqaro hayot



◆ **ҲИНДИСТОН** ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари "Жамаат ул Мужаҳидин" террорчилик гуруҳининг Бангладеш бош вазири Шайх Ҳасинага суиқасд уюштириб, бу мамлакатда давлат тўғрисида амалга ошириш билан боғлиқ фитнасини фожия қилди. Мамлакат ИИБ вакили сўзларига кўра, экстремистлар Ҳиндистон ҳудудига ҳам операция амалга оширишни режалаштирган.

Бангладеш билан чегарадаги Фарбий Бенгалия штатида "Жамаат ул Мужаҳидин"нинг икки нафар жангариси бомба тайёрлаш вақтида портлаб кетгач, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фитна ҳақида хабар топган. Ҳодиса жойида ташкилотнинг ушбу мақсади билан дарак берувчи далил ва маълумотлар топишган. Полиция вакиллари айтишича, Ҳиндистон гуруҳ режалари ҳақидаги мавжуд маълумотларни Бангладешга топширади.

◆ **КХДР** ҳукумати Эбола вирусининг тарқалишидан қўриқиб хорижлик сайёҳларнинг мамлакатга киришини тақиқлаб қўймоқчи. Хитойнинг Young Pioneer Tours сайёҳлик оператори вакили КХДРдаги ҳамкорларидан, хорижий сайёҳлар қаердан келишидан қатъи назар, Шимолий Кореяга кириши тақиқлангани тўғрисида расмий хабар олганини маълум қилган.

◆ **РИМ-КАТОЛИК ЧЕРКОВИ** раҳбари Папа Франциск эволюция ва катта портлаш назарияларини тан олди. Бу ҳақда у Папалик Фанлар академиясида сўзлаган нутқида маълум қилган. "Ҳозирда дунёнинг бошланиши сифатида қараладиган катта портлаш Худонинг аралашувига қарама-қарши эмас, балки унга муҳтождир. Табиатдаги эволюция тушунчаси яратилишга зид эмас, чунки эволюция ривожланадиган мавжудотлар яратилишини талаб қилади", — деди Папа.

◆ **ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ** ўз илмий-тадқиқот ва геология-қидирув лойиҳаларини ривожлантириш учун Антарктидада аэропорт қуришни режалаштирмоқда. Аэропорт қитъанинг шарқий қисмидаги Хитойнинг "Чжуншан" номли иккинчи тадқиқот станцияси яқинида жойлашади. Учиш-қўниш йўлаги узунлиги ва сифими маълум қилинмаган.

◆ **АҚШ** давлат котиби Жон Керри Канада пойтахтида бўлиб ўтган отишмани теракт қаторига қўшиш мумкин, деган фикрда. "Шубҳасиз, кимдир формадаги одамга кулол ўқталиб, кейин эса парламентга қараб борар экан, бу ҳолатни ҳеч иккиланмасдан теракт деб баҳолаш мумкин", — деди Жон Керри ҳамкасби Жон Бэирд билан ўтказган музокаралари якунида бўлиб ўтган матбуот анжуманида.

Эслатиб ўтамиз: Канада пойтахтидаги отишма 22 октябр куни ҳарбий ёдгорлик ёнида бўлиб ўтди. Сочма ўқ отувчи қуроли билан қуролланган жиноятчи фахрий қорувулни ўлдирди ва парламент ёнида жойлашган бинога кирди. Отишмалар давомида полиция бино ичкарисидagi жиноятчини отиб ўлдирди. Воқеа гувоҳларининг сўзларига кўра, ҳодиса вақтида 30га яқин ўқ узилган.



LG: ПЛАЗМАЛИ ТЕЛЕВИЗОРЛАР ТЎХТАТИЛАДИ

LG Electronics компанияси ноябр ойдан плазмали экранли телевизорлар ишлаб чиқаришни тўхтатади. Сабаб бозордаги ҳолатта боғлиқ: 2013 йил якунларига кўра, плазмали телевизорлар савдоси компания даромадларининг атиги 2,3 фоизини ташкил этган. Қолаверса, компания плазмали экранлар чиқаришни ҳам тўхтатади.

SonyНИНГ СУВОСТИ ДУНЁСИ

Sony компанияси Дубай (БАА)да ғайритабиий дўконини очди. Дўкон сув остида жойлашган бўлиб, унинг пештахталаридан Xperia русумидаги сув ўтказмайдиган смартфон ва планшетлар ўрин олган.

Xperia Aquatech Store дўконига харидорларни тажрибали гаввослар бошлаб тушишади.



АККУМУЛЯТОРЛАР: ЯНАДА СИГИМЛИ

SolidEnergy компанияси энергия сифими ҳозирги батареяларникидан икки барабар юқори портатив аккумулятор прототипини тақдим этди. Бу энергия манбаи смартфонларнинг ишлаш давомийлигини икки қисса оширишга хизмат қилади.

Solid Polymer Ionic Liquid (SPIL) 2000 мАс сифимга эга.



ЭНГ ЮПҚА СМАРТФОН

Хитойнинг Vivo компанияси дунёдаги энг юпқа смартфонни чиқаришга яқин турибди: қурилманинг қалинлиги атиги 3,8 миллиметрни ташкил этади.

Айни пайтда энг юпқа смартфон сифатида Gionee Elife S5.1 (5,1 мм) қайд этилган бўлиб, у расман Гиннеснинг рекордлар китобига киритилган.

ҲАММАСИ МИЛЛИЙ

Хитойда мамлакат киберхавфсизлигини таъминлаш учун биринчи миллий сервер ишга туширилди. Миллий Godson 3В серверида фақат маҳаллий технологиялардан фойдаланилган. Масалан, процессорлар Хитойнинг Loongson Technology компаниясида ишлаб чиқарилган.




Серверни яратиш ишлари эса Dawning Information Industry ёки кўпроқ Sugon номи билан танилган компания томонидан олиб борилган.

ПРОЦЕССОРЛАР УЧУН ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯ

Санта-Клара (АҚШ) шаҳрида замонавий процессор ва тармоқ технологияларига бағишланган анжуман ўтказилди. Унда, жумладан, амалдагиларидан икки карра тез ишловчи процессорлар технологияси тақдимоти ўтказилди.

"VISC-архитектура" деб номланган бу технология Soft Machines компанияси томонидан ишлаб чиқилган.



САХОВАТНИНГ ЧЕКИ ЙЎҚ

Microsoft компанияси асосчиларидан бири — Пол Аллен Фарбий Африкада Эбола вирусига қарши курашиш мақсадларига 100 млн. доллар хайрия қилди.

Пол Аллен барчани имкониятидан келиб чиқиб бу курашга қўшилишга чорлаган.

Эслатиб ўтамиз, бунгача Microsoft асосчиларидан бири Билл Гейтс ва унинг хотини Мелинда Гейтслар ўз жамғармалари ҳисобидан 50 млн. доллар, Facebook асосчиси Марк Цукерберг 25 миллион долларни Эболага қарши курашга хайрия қилганди.

С.ТЕМИРОВ тайёрлади

Тошкент шаҳри, 27-31 октябр. Мамлакатимизнинг бош зий маскани — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида "Infolib-2014" — Учинчи миллий ахборот-кутубхона ҳафталиги бўлиб ўтди.

Мозийга қайтиб ёки китоб ҳақида

"Китоблар — вақт пучмоқлари аро кезиб, авлодан-авлодга ноёб хазинани элтувчи фикрлар кемасидир", деган эди инглиз файласуфи ва тарихчиси Фрэнсис Бэкон. Ҳа, китоб ҳақида улуглардан кўп таърифу тавсиф бизга мерос. Айримда фикрлар тафовути кузатилса-да, барибир тўхтама ягона — китоб эзгулик элчиси, худди саховатли қуёш заминни нури билан сийлаганидек, китоб кўнгилларга зий улашар.

Инсоният тамаддунида ўрта асрлар Шарқ алломалари — буюк боболаримизнинг тутган ўрни, илм-фан, санъат ривожига қўшган ҳиссаси чексиз. Мухаммад ал-Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғоний, Хожа Исмоил Бухорий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Хожа Аҳмад Яссавий, Маҳмуд Кошғарий, Аҳмад Югнакий, Амир Темур, Мирзо Улугбек, Алишер Навоий, Мирзо Бобур ва бошқа юзлаб ОЛТИН ДАВР фарзандлари. Ибн Сино ҳали ўспирин бўла туриб ҳеч кимдан шифо топа олмаган Бухоро ҳукмдорининг дардига даво бўлиб, мукофот ўрнига шоҳ кутубхонасидан фойдаланишга изн сўрагани ёки буюк Навоийнинг болалигидан китобга қанчалик талпингани бизга ҳайрат ва ибрат мактаби бўлиши лозим.

Тарихчилар Европада Уйғониш даврининг бошланишини бевосита Кичик Осиёда Византия давлати кулаши оқибатида "Кўҳна қитъа"га чекинган византияликлар ўзлари билан кутубхоналарини олиб келишгани, ҳали европаликларга маълум бўлмаган антик даврга мансуб адабиётлар, санъат асарлари билан боғлашади.

Бугуннинг гапи

Ўз ўқи атрофида бир текис айланаётган она заминдан фарқли равишда, инсоннинг ҳаёт тарзи, борлиқни, ўзини англаш истағи жўшқинлашиб бораётган бир даврда яшаймиз. Ўтмиш, эрталар ортда қолди, Ибн Сино, Навоий орзу қилган башариёт илмлар хазинаси эшиги бугун барчамизга очик. Китоблар ахборот технологиялари, интернет, мобил курилмаларда яшайпти. Истак ва кунг бирлашса бас.

Infolib-2014 тантанали очилиш маросимида таъкидланганидек, миллий ахборот-кутубхона ҳафталиги, биринчи навбатда, мутолаага бўлган меҳрни ошириш ва уни тарғиб қилиш, аҳоли, айниқса, ёшларнинг керакли ахборотни мустақил равишда излаш ва қизиқишларини қўллаб-қувватлаш, ахборот-кутубхона фойдаланувчиларига хизмат кўрсатиш имкониятини янги технологиялар орқа-



Афзал РАФИКОВ,
Ўзбекистон
халқ артисти:

— Бир замонлар миллатнинг, давлатнинг нуфузи унинг қурган иморатлари, кўприклар, йўллари билан тарозига солинган экан. Биз шундай бахтиёр замонда яшаймизки, бугун бунёд этилган маънавият-маърифат масканларимиз миллатимиз раванқига хизмат қилаётир. Бу китобга, илмга, ёшларга эътиборнинг олий намунаси десам асло муболаға қилмаган бўламан.



Юлия ХАНСКИ,
Тошкентдаги Гёте институти директори:

— Ўзбекистонда анъанавий тус олган миллий ахборот-кутубхона ҳафталиги ёшларнинг китобга бўлган қизиқишини ошириши табиий. Ҳафталик доирасида ўрин олган семинар ва тренингларга хорижлик мутахассисларнинг ҳам жалб этилаётгани халқаро даражада ахборот алмашиш имконини беради.

INFOLIB-2014:

Мозийдан ахборот технологиялари сари



XV аср ўрталарида Иоганн Гутенберг томонидан китоб чоп этишнинг ихтиро қилиниши тарихда бутунлай янги саҳифа очди.

ли ошириш каби эзгу мақсадларга хизмат қилади.

Беш кун давомида ташриф буюрувчилар кутубхоначилик ва ахборот технологиялари, маънавият ва маърифат, санъат мавзуларидаги сермазун, бири-бирдан қизиқарли тadbирлар гувоҳи бўлишди.

Очик эшиклар кунни

Бу куннинг бош тadbири анъанавий "Бетгер ўқишлари" бўлди. "Замонавий ахборот-кутубхона муҳитида рақамли макон ва медиаконтент" мавзусидаги мазкур давра суҳбатида кутубхоначилик соҳасининг кўзга кўринган вакиллари замонавий жамият инфратузилмасида ахборот-кутубхона муассасалари, ахборот-кутубхона хизматининг роли ва ўрни борасида фикр алмашди.

Биринчи кунги тadbирлар қаторидан "Кутубхона билан бир соат", А.Шарипованин "Синиш" номли китоби тақдироти, ҳужжатли меросни сақлаш бўйича маҳорат дарслари, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоҳир Малик билан учрашув, мамлакатимиздаги миллий маданий марказларнинг чиқишлари ўрин олди.

Билимлар кунни

28 октябр кунни тadbирлар "Замонавий кутубхона менежменти ва маркетинги" мавзусидаги семинар билан очилди. Машгулотларни Германиянинг Кёльн Амалий фанлар институти доктори Урсула Георге олиб борди.

"Археология бугун: ёшлар учун янги имкониятлар" мавзусидаги давра суҳбати мамлакатимиз ва жаҳон археология соҳасининг бугуни, ютуқ ва муаммоларига бағишланди.

Кутубхона киномарказида аҳолига интерактив хизматлар кўрсатувчи портал тақдироти ўтказилди.

Умуман олганда, "Билимлар кунни" қатор тақдиротларга бой бўлди: кинорежиссёр Ҳилол Наси-

мовнинг "Гумроҳлар" фильми, ФИФА ҳақами, миллатимиз ифтихори Равшан Эрматовнинг "О, спорт — ты мир и здоровье" китоби, мамлакатимиз етакчи дизайнчиларининг хонатлас кўргазмаси ва тақдимотлари шулар жумласидандир.

"Шарқ юлдузи" журнали ижодий жамоаси ҳамда ўзбек киноактёрлари билан учрашувлар қизиқарли кечди.

Ижодий кун

Интерактив тренинглар, викториналар, маҳорат дарслари, тақдимотлар, учрашувлар — учинчи кун тadbирларининг ранг-баранглиги ва болажонларга аталгани билан эсда қоладиган бўлди.

Интерактив тренинглар сўзлашув (коммуникатив) кўникмалари, "БМТнинг Болалар ҳуқуқи конвенцияси" мавзуларида ўтказилди.

Болалар учун маҳорат дарслари комикслар, оригами, карвинг (мева-сабзавотларга бадиий безак бериш) каби санъатларни қамраб олди.

Тақдимотларда исроиллик болалар ёзувчиларининг китоблари, "Кореяда таълим + Алмашинув дастурлари" намоиш этилди.

Тadbирларнинг бадиий қисмидан эстрада хонандаси Тоҳир Содиков ҳамда "Болалар" гуруҳи билан учрашув, болалар оркестри ва кўғирчоқ театрининг чиқишлари ўрин олди.

Хорижий тиллар кунни

Тил ҳамма замонларда илм-фан, иқтисодиёт, маданият соҳаларида халқлар ўртасида кўприк вазифасини ўтаб келган. Айтиш керакки, бу "кўприк"нинг аҳамияти ҳозирги ахборот асрида янада катта. Айни талаблардан келиб чиқиб, ҳафталик ташкилотчилари тadbирлар дастурига қатор мавзуларни киритишди. "АКТ ёрдамида немис тилини ўрганиш" бўйича тренинг, инглиз ҳамда япон тилларида таълим олишга бағишланган дастурлар тақдимотлари, тиллар тарихи, ёзма ва оғзаки нутқ сабоқлари, амалий маслаҳатлар бунга мисоллар.

Бешинчи кун

Сўнгги кун ҳам сермавзу тadbирларга бой бўлиб, ҳафталикка мантиқий якун ясаб берди.

"Ахборот маданияти ва медиасаводхонлиги" мавзусидаги давра суҳбати нотиклик санъатига бағишланган тренингга улашиб кетди.

Миллий кутубхонада Ўзбекистон халқ артисти Халима Носирова таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан ўтказилган хотира кечасига санъаткорнинг шогирдлари, мухлислари ташриф буюришди.

"Анъанавий китобми ёки электрон китоб?" мавзуси ёшларнинг қизгин муҳоҷасасига сабаб бўлди.

Учинчи миллий ахборот-кутубхона ҳафталиги доирасида, шунингдек, янги адабиётлар ярмаркаси, кутубхона янги фойдаланувчилари учун лотерея ўйинлари, фотоқўргазмалар, амалий санъат кўргазмалари ташкил этилиб, ҳужжатли, бадиий ва мультипликацион филмлар намоиши бўлиб ўтди

Собит АҲАДОВ,
"Xabar" мухбири

Насколько и как сегодня развиваются информационно-коммуникационные технологии в Республике Узбекистан можно говорить и писать очень долго. При этом уже многие знают об этом, поэтому повторяться в данной статье, мы думаем, не стоит. Да, сделан огромный шаг, благодаря четким действиям и установкам нашего правительства.

Нужно отметить, что сама сфера ИКТ растет, как у нас, так и во всем мире. Отсюда введение новых понятий, новых терминов и т.д. В данной статье мы хотим немного раскрыть понятие "открытых данных", что это такое, их основные составляющие и область их применения. Для Узбекистана это новое понятие, поэтому давайте попробуем определить роль "открытых данных" в жизни общества, насколько они нам нужны и как их использовать.

Нозим ДАЛИБАЕВ,
главный специалист — начальник
группы центра "UZINFOCOM",
Алижон НАЗАРОВ,
главный специалист центра
"UZINFOCOM"

Что такое Opendata?

Opendata (англ. "открытые данные") — концепция, отражающая идею о том, что определённые данные должны быть свободно доступны для машиночитаемого использования и дальнейшей републикации без ограничений авторского права, патентов и других механизмов контроля.

Большинство проектов opendata строятся по одинаковой модели: создается портал, на который выкладываются доступные (в том числе и для автоматического доступа) необработанные данные, естественно, в необходимых случаях в деперсонализированном виде. Чаще к этому portalу создается дополнительный магазин приложений и сервисов для работы с этими базами. Приложения, могут быть совершенно любыми: государственными, коммерческими или созданными энтузиастами.

Для проектов, строящегося на основе открытых данных, не существует какого-либо единого стандарта, потому что проекты развивались в разное время и на разных технологиях. Самая известная классификация доступности данных — это пятизвездочная модель, предложенная Тимом Бернерсом-Ли:

Одну звезду получит любое хранилище с данными, вне зависимости от формата.

Две звезды — если данные можно обрабатывать автоматически. Например, за PDF-файл в данном случае можно получить только 1 звезду.

Три звезды даются в случае, если автоматизированная обработка данных не требует от пользователя каких-либо дополнительных платежей или лицензий. В эту категорию попадают данные в форматах XML и open XML.

Пять звезд — это когда одни данные взаимосвязаны с другими данными.

В связи с достаточно широкой

OPEN DATA?!

Открытые данные...

Портал открытых данных — специализированный информационный ресурс, на котором централизованно свободно публикуются и распространяются массивы открытых данных органов государственной власти.

траговкой того, что считать открытыми данными, существует неоднозначная формулировка понятия "открытого государства", которое использует их. Под открытым государством можно понимать систематизацию и приведение к общей концепции ранее инициированных проектов, документов и инициатив по раскрытию информации и коммуникации с гражданами. При этом эти процессы обязательно должны сопровождаться наличием доктрин или публичных наборов правил, устанавливающих принципы прозрачности государства для общества, а также соответствующими требованиями к госорганам. Формально такой подход носит более прикладной характер, который ограничивает по критериям отнесение или исключение тех или иных проектов по открытости из рассмотрения.

Как показывает общемировая практика эффективнее всего создавать государственные порталы открытых данных.

Портал открытых данных — специализированный информационный ресурс, на котором централизованно свободно публикуются и распространяются массивы открытых данных органов государствен-

ной власти. Многими странами мира уже разработаны порталы открытых данных, например:

● Портал открытых данных (ОД) Австрии — www.data.wien.gv.at

● Портал ОД Франции — www.data.gouv.fr

● Портал ОД UNDP (офис Программы развития ООН) — www.data.undp.org

Кто является основным потребителем открытых данных?

1. Программисты и разработчики. Это люди со специальными знаниями по обработке данных, которые используют эти данные в своих программах (например, справочник административно-территориального деления) или помогают другим анализировать эти данные. Во многих странах проводятся конкурсы по созданию приложений на основе ОД.

2. Государственные органы. ОД позволят привлечь граждан и бизнес к созданию новых продуктов, позволяющих экономить государственные средства.

3. Представители бизнес-структур. ОД, публикуемые государством, могут стать также средством получения прибыли.

4. СМИ. Это журналисты, которые владеют не только словом, но и определенными инструментами по структурированию и анализу данных. Порой правильно построенный график или схема будут более понятны, чем несколько страниц текстовой информации. Появилось даже такое явление под названием журналистика данных и даже всемирный конкурс по этому жанру журналистики.

5. Граждане. Граждане могут использовать созданные программы на основе ОД для повышения личного комфорта, как это уже делают, например жители Лондона.

6. Общественные организации. Общественным организациям ОД позволят следить за деятельностью государства. Например, с помощью "открытых данных" была создана карта окружающей среды Европы.

(Продолжение следует.)

Коротко...

● За счет восстановления спроса в Северной Америке и Европе, а также роста спроса на развивающихся рынках, поставки плоских ТВ-панелей за 2014 год могут вырасти на 2,7% по сравнению с 217 млн. устройств в 2013 году.

● Рынок демонстрирует признаки восстановления а также продвижения вендорами новой продукции, включая Ultra HD, изогнутые панели, технологии квантовой точки и OLED.

● После длительного периода довольно запутанных отношений Microsoft и Nokia, наконец становится окончательно ясно, кто и как будет выпускать официальные телефоны Windows Phone. По информации TechCrunch, такие устройства отныне будут называться Microsoft Lumia.

● Ребрендинг начнется с Франции, а затем распространится и на другие страны.

● Amazon.com опубликовала финансовые результаты за III квартал. Чистые продажи компании выросли на 20% до 20,58 млрд. долларов, по сравнению с 17,09 млрд. за III квартал 2013 года. Несмотря на рост выручки, чистые убытки Amazon за 3 квартал составили 437 млн. долларов.

● Антивирусная компания ESET в очередной раз вошла в пятерку быстрорастущих технологических компаний Центральной Европы по данным рейтинга Deloitte Technology Fast 50 Central Europe.

● Условия попадания в рейтинг — использование инновационных технологий, экономическая активность и высокие показатели роста.

● Sony Mobile изменит стратегию выпуска флагманских смартфонов.

● Компания будет выпускать только один новый флагманский смартфон в год, а не два, как сейчас.



Афоризм

Стремился к знаниям всю жизнь ты, Навои, —
Так мерюю всего будь знания твои.

Алишер НАВОИ

Хабарбад +tv

ЎЗБЕКИСТОН

ДУШАНБА — 3 НОЯБР

5.55 Кўрсатувлар дастури.
 7.00 Ассалом, Ўзбекистон!
 7.00 Табиат қучлари. Х/ф.
 7.25 Иқлим.
 7.30 Миллий сериал: "Ўзи
 уланмаган соғинч".
 8.00 Таҳсилнома.
 8.40 "Хитой табияти" Х/ф.
 9.30 "Қадрдон қадриятлар".
 9.50 "Ўртин таровати".
 10.00 "Ёзги клублар". Т/с.
 10.45 "Қизда амалнинг ҳўқоқлари".
 М/с.
 11.00 "Ахборот".
 11.10 "Вақитларвар".
 11.55 "Иқлим".
 12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!".
 13.00 "Мен ва У".
 13.25 "Ўзгач пичоқлари".
 13.40 "Юрган - дарё".
 14.00 "Ахборот".
 14.15 "Ҳилоят сари".
 14.35 Миллий сериал: "Ҳаёт вақли".
 15.00 "Тинч океани". Х/ф.
 15.30 "Иқлим".
 15.35 "Заковат".
 16.35 "Нитох".
 17.00 "Ахборот".
 17.10 "Эркин фикр".
 17.20 "Иқлим".
 17.25 "Агроолам".
 17.40 "Қорашиқ".
 18.00 "Қўнғил қўнғил истайди".
 18.10 "Қаб гаҳвдари".
 18.40 "Доктор Хаус". Т/с.
 19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
 19.30 "Ахборот"/рус/.
 20.05 Миллий сериал: "Ота -
 синдилар". 2-Фасл.
 21.00 "Ахборот".
 21.40 "Мулоабат".
 22.20 "Қўнғил қўнғил истайди".
 22.30, 00.05 "Бўрилар овласт". Б/ф.
 00.05 "Агроолам".
 00.20 Миллий сериал: "Ота -
 синдилар".
 1.00 "Ахборот"/рус/.
 1.30 Миллий сериал: "Ҳаёт вақли".
 2.00 "Шарқ тароналари".
 2.15 ТелеТеатр: "Ғаждир". 1-қисм.
 2.30 "Ассалом, Ўзбекистон!".
 4.00 "Ахборот".
 4.40 Миллий сериал: "Ўзи
 уланмаган соғинч".
 5.30 "Қорашиқ".
 5.30 "Иқлим".
 5.35 - 5.55 "Юрган - дарё".

17.30 "Армон". Б/ф. 1-қисм.
 18.50 "UZEX".
 19.00 "Давр".
 19.30 "Тонгги шудринг". Т/с.
 20.20 "Навойи хазиначи".
 20.40 "Тоғчида қўнғил".
 20.50 "Ёшлик навоилари".
 21.10 "Изабелла". Т/с.
 22.00 "Давр".
 22.30 "Қоломбо". Т/с.
 21.50 "Қўмағли мўжиза".
 00.00 "Ҳаюн мусиқаси".
 01.00 "Мўжизавий дунё".
 02.00 "Тарангум".
 02.40 "Зулфия издошлари".
 03.00 "Шарқ гаҳвдари".
 04.00 "Ўзбек адабиёти".
 05.30 "Давр".

ТОҶИКИСТОН

05.55 "Яғнонасан, муқаддас
 Ватаним!".
 06.00, 08.00, 12.00, 16.00, 18.00,
 20.00, 02.00 "Роҳат".
 06.25 Миллий сериал: "Ҷийда гули".
 07.00 "Тошкент вақти".
 07.50 "Соз сеҳри".
 07.55 "Бизнинг даҳлар".
 08.20 "Ишга марҳумат".
 08.25 Тонгги тароналари.
 08.35 "Поштаэк-эко".
 08.45 "Профессионал".
 09.05 "Элиза". Т/с.
 09.50 "Роҳатэк-спорт".
 10.00, 14.00, 22.00 "Поштаэк"/рус
 тилида/.
 10.20 "Пелликан". Б/ф./рус тилида/.
 11.45 "Қонуи доирасида".
 12.10 "Реггиди эмонвалонне". Х/ф
 /рус тилида/.
 13.00 "Тоникет вақти".
 13.50 "Роҳатэк-роғат".
 14.10 "Бахт қўнғил".
 14.40 "Ҳолис назар".
 15.00 "Роҳатэк-biznes".
 15.10 "Ўғай она". Т/с.
 16.10 "Қузаи марфдон". Б/ф.
 17.40 "Фан ва тарраққият".
 18.25 "Рақингет сеҳри олами".
 18.35 "Роҳатэк-интервю".
 18.45 "Элиза". Т/с./Премьера/.
 19.30 Тонгги тароналари.
 19.40 "Теле-маркет".
 19.50 "Бизнинг даҳлар".
 19.55 "Навойи маҳзини".
 20.20 "Ишга марҳумат".
 20.25 "Ўғай она". Т/с./Премьера/.
 21.15 "Поштаэк вудлариди".
 21.35 "Роҳатэк-эко".
 21.45 "Теле-маркет".
 21.55 "Поштаэк-шарҳлар".
 22.20 "На грант". Б/ф./рус тилида/
 00.05 "Вёс о туризме".
 00.35 "Поштаэк вудлариди".
 01.00 "Роҳатэк-эко".
 01.10 "Жизнь холодной кровью".
 01.20 "рус тилида". 1-қисм.
 01.50 "Фараҳи ноябрь". Б/ф.
 04.00 "Тошкент вақти".
 04.50 "Дунё телестури".
 05.40 "Мисли гаҳвар".

СПОРТ

06.00 "Хайрли тонг".
 06.05 Кўрсатувлар тарғибии.
 06.10 "Маркет мактаби".
 06.30 Тонгги гимнастика.
 06.40 "Матонг".
 07.00 "SPORT-EXPRESS".
 08.00 ХАБАРИЛАР.
 08.35 ФУТБОЛ. ЎЗБЕКИСТОН

**ЧЕМПИОНАТИ "ЛОКОМОТИВ" -
 "НЕФТИЧ" ДАР.**
 10.15 "Sport rekordlar".
 10.20 "Орузлар кемаши".
 10.55 Фигурали чўши. Гран-при.
 11.55 Рақамлар, натоқалар,
 рейтинглар.
 12.00 "SPORT-EXPRESS".
 13.00 Велоспорт.
 13.50 Техно-спорт".
 14.00 ХАБАРИЛАР.
 14.15 "Sport ensiklopediya".
 14.20 "Шоҳназада йўл".
 15.00 Теннис АТР/АТР турнири.
 16.15 ИНТЕРФУТБОЛ.
 17.55 Кўрсатувлар тарғибии.
 18.00 "Спорт сайераси".
 18.20 "Техно-спорт".
 18.30 ХАБАРИЛАР.
 18.55 "Боқалар спорти".
 19.20 Дюло. Катта дубула
 турнири.
 20.30 "SPORT-МАРКЕТ".
 20.55 "Футбол шарҳи".
 21.25 "Sport ensiklopediya".
 21.30 ХАБАРИЛАР.
 21.55 ФУТБОЛ. ЎЗБЕКИСТОН
 ЧЕМПИОНАТИ. "ОЛМАЛИК"
 -"НАВАХУР".
 23.40 "Ҳаққ уйилари".
 00.05 Профессионал бокс.
 00.15 "Sport rekordlar".
 01.00 ХАБАРИЛАР.
 01.25 ИНТЕРФУТБОЛ.
 03.10 Бақсетбол.
 04.40 - 05.50 Теннис АТР/АТР
 турнири.

05.00, 09.00, 11.00 Новости.
 05.10 "Валентин Смирнитский".
 Попсе на все времена".
 06.00 Х/ф "Семь стариков и одна
 девушка".
 07.35 Х/ф "Хортон".
 09.15 Х/ф "Приходите завтра".
 11.15 Х/ф "Дело было в Петербурге".
 12.55 Х/ф "Полосатый зайчик".
 14.25 Х/ф "Покло尼ница".
 16.15, 17.15 Праздничный концерт.
 17.00 Вечерние новости.
 18.10 "Лермонтов".
 20.00 "Время".
 20.30 Т/с "Улыбка перемешиника".
 22.10 "Александр Гравский".
 Обсуждается".
 23.05 Т/с "Умник".
 00.00 Х/ф "Жили три холюстка".
 02.15 Х/ф "Страх высоты".
 03.45 "В наше время".

РОССИЯ 1

05.55 Х/ф "Как же быть сердцу".
 08.05 Х/ф "Одинокие сердца".
 12.00, 14.20 Х/ф "Ключи от
 прошлого".
 14.00, 20.00 Вести.
 20.30 Х/ф "Подобный".
 23.00 Х/ф "Трава под снегом".
 02.50 Х/ф "Устрица на Лозанна".
 04.20 Д/ф "Мастера", "Чудеса
 России".

НТВ

05.00 Т/с "ДОРОЖНИЙ ПАТ-
 РУЛЬ".
 06.50, 07.15 Т/с "МОРСКИЕ.
 ДЬЯВОЛЫ. СМЕРЧ".
 07.00, 09.00, 12.00, 15.00, 18.00

"Селонга".
 09.20, 12.25, 15.20 Т/с "СОБР".
 18.40 Т/с "ЛИТЕЙНЫЙ".
 23.20 Х/ф "ТАНЕЦ ЖИВОТА".
 01.10 "Главная дорога".
 01.45 "Дюкий мир".
 01.55 Т/с "ПЕРЕДЕЛ. КРОВЬ С
 МОЛОКОМ".
 03.50 Т/с "СУПРУГИ".

РОССИЯ К


07.00 Телеканал "Евроноьюс".
 10.00 "Обыкновенный концерт с
 Эдуардом Фирсовым".
 10.35 Х/ф "Александр Невский".
 12.20 Д/ф "Николай Черкас".
 12.45 Юбилейный концерт
 Национального академического
 оркестра народных инструментов
 России имени Н.П.Осипова.
 14.10 "Театральная летопись.
 Избранное".
 14.55 Спектакль "Варшавская
 мелодия".
 16.55, 01.40 Д/ф "Летающие
 монстры".
 17.35 Звезды мировой оперы в
 "Новой опере".
 18.55 "Молчание пирамид".
 19.40 Д/ф "История Преображен-
 ско поляка или Железная стена".
 20.25 Х/ф "Тихий Дон".
 22.15 "Тихий Дон" и его герои.
 Линия жизни. Людмила Хитяева.
 23.15 Х/ф "Лодовик XI. Угроза
 королю".
 00.50 Билли Джоэл.
 02.25 М/ф для взрослых "Сказки
 старого пианино".

СТС

06.00 Мультиерал
 09.45 Шоу "Уральских пельменей".
 Как я провёл это"
 Шоу "Уральских пельменей".
 Год в сапогах".
 12.30 "Восемьдесятые".
 17.30 "Вальд".
 19.20 "Вий". Фэнтези, Россия -
 Украина - Германия - Великобритания -
 Чехия, 2014 г.
 22.20 "Звездная пыль". Фэнтези,
 США - Великобритания, 2007 г.
 00.45 "Хочу верить". Программа о
 тайных и загадках планеты Земля.
 02.50 "Уоллес и Громит: Проклятие
 кролика-оборотня".
 03.50 "He может быть" программа о
 непознанном и мистическом

ТВ3

06.00 М/ф
 07.00 Х/ф "Неуловимые мстители".
 08.30 Х/ф "Корона российской
 империи".
 11.30 Х/ф "Сумерки".
 14.00 Х/ф "Сумерки. Сага.
 Новолуние".
 16.30 Х/ф "Сумерки. Сага.
 Затмение".
 19.00 Х/ф "Сумерки. Сага. Рассвет.
 Часть 1".
 21.30 Х/ф "Сумерки. Сага. Рассвет.
 Часть 2".
 00.00 Х/ф "Человек, который
 изменил всё".
 01.45 ПРОФИЛАКТИКА НА
 КАНАЛЕ




- 5.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
7.00 "Табииат кучлари". Х/ф.
7.25 "Идиш".
7.30 Миллий сериал: "Ўзи уйланиман совин".
8.00 "Азборот".
8.40 "Ўқитиб табиати". Х/ф.
9.30 "Эркан фикр".
9.40 "Ароллоҳ".
10.00 "Тезлик қабуллар". Т/с.
10.45 "Қудуз амазонинг ҳикоялари". М/с.
11.00 "Азборот".
11.10 Миллий сериал: "Опасниликлар".
11.55 "Идиш".
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
13.00 "Ўзгичти англа". Ток-шоу.
13.45 "Идиш".
13.50 "Хона: Нафосат тинимоллари".
14.00 "Идиш".
14.15 "Менинг бошим".
14.35 Миллий сериал: "Хайт вальси".
15.05 "Қўрғандағи хўрақ".
15.30 "Тинч океани". Х/ф.
15.55 "Идиш".
16.00 "Тезкор хабарлар".
16.10 "Тараққийёт таниш".
16.30 "Азборот" /инглиз/.
16.40 "Қорчиқ".
17.00 "Азборот".
17.10 "Қадран қадриятлар".
17.40 "Идиш".
17.45 2014 йил - "Соғлом бола йили".
"Соғлом келажак".
18.00 "Кўнлик қўшиқ истиди".
18.10 "Кўнлик қўшиқ истиди".
18.25 "Ўмд завқин".
18.40 "Доктор Хуе". Т/с.
19.25 20.00, 20.55"Эроллоҳ".
19.30 "Азборот" /рус/.
20.05 Миллий сериал: "Опасниликлар".
21.00 "Азборот".
21.40 "Ойдин ҳаёт". Ток-шоу.
22.25 "Кўнлик қўшиқ истиди".
22.35 - 23.35 "Чақмоқлар". Х/ф.
Премьера.
23.35 "Қўрғандағи хўрақ".
00.00 "Нафосат тинимоллари".
00.10 "Соғлом келажак".
00.25 Миллий сериал: "Опасниликлар".
1.00 "Азборот" /рус/.
1.30 Миллий сериал: "Хайт вальси".
2.00 "Менинг бошим".
2.15 ТелеТеатр: "Тақдир". 2-қисм.
3.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
4.00 "Азборот".
4.40 Миллий сериал: "Ўзи уйланиман совин".
5.10 "Қадран қадриятлар".
5.40 - 5.55 "Кўнлик қўшиқ истиди".



- 06.00 "Ватан меҳри".
06.10 "Таранум".
06.50 "Ўзбек адабиёти".
07.00 "Мультиплатинарама".
07.50 "Ешдик навоилари".
08.10 "Чорраҳадлиги уй". Т/с.
08.50 "Табасум қиз".
09.00 "Фил ва маллика". Т/с.
09.50 "Телехўрақ".
10.00 "Давр".
10.10 "Ўқоқчи изҳурар". Т/с.
11.40 "Автопатруль".
12.00 "Оттин тупроқ".
12.10 "Бир қиз". Т/с.
12.50 "ЎзЕХ".

- 13.00 "Давр".
13.10 "Изабелла". Т/с.
13.50 "Бизлар болалар".
14.30 "Мультиплатинарама".
14.50 "Мўжазалиги дунё".
15.50 "ЎзЕХ".
16.00 "Давр".
16.10 "Оттин давирим". Т/с.
17.00 "Ўқоқчи".
17.10 "Давр мавқусти".
17.30 "Армон". Б/ф. 2-қисм.
18.50 "ЎзЕХ".
19.00 "Давр".
19.30 "Тонти шаринг". Т/с.
20.20 "Нухтан назар".
20.50 "Ешдик навоилари".
21.10 "Изабелла". Т/с.
22.00 "ЎзЕХ".
22.30 "Қоломбо". Т/с.
23.50 "Табасум қиз".
00.00 "Жаҳон мунаққиди".
01.00 "Мўжазалиги дунё".
02.00 "Таранум".
02.40 "Автопатруль".
03.00 "Навоий набиралари".
03.30 "Ватанпарвар".
04.10 "Арктика ҳикояси".
05.30 "Давр".




- 05.55 "Ўғонжан, муқддас Ватаним".
06.00, 08.00, 12.00, 16.00, 18.00, 20.00, 02.00 "Ройтахт".
06.25 Миллий сериал: "Жийда гузи".
07.00 "Тошкент вақти".
07.50 "Соз сеҳри".
07.55 "Бизнинг даҳлар".
08.20 "Ишга марҳамат!".
22.55 Хоккей. Евротур.
"Кубок Карьяла". Россия
- Швеция. Прямая
трансляция из Швеции
01.35 "Эволюция"
03.55 "Диалоги о рыбалке"
04.25 "Моя рыбалка"
04.40 Хоккей. КХЛ.
СКА (Санкт-Петербург)
- "Металлург" (Магнито-
горск)

Жума

09.00 Панорама дня.
LIVE
10.25, 02.05 Т/с "Запис-
ки экспедитора тайной
канцелярии 2"
12.10 "Эволюция"
13.45 Большой футбол
14.05 Х/ф "Лектор"
17.40 "Танковый
биатлон"
18.45 "Полигон".
БМП-3
19.15, 00.40 Большой
спорт
19.40 Пляжный футбол.
20.50 Х/ф "Клад
могилы Чингисхана"
03.55 "Трон"
04.25 "Наука на коле-
сах"
04.55 Хоккей. КХЛ.
"Металлург" (Новокуз-
нецк) - "Медвешчак"
(Загреб)
07.00 Смешанные
единоборства. Влади-
мир Минеев (Россия)
против Себастьяна
Чиабану (Румыния)

Шанба

09.00 Панорама дня.
LIVE
10.10 "Диалоги о
рыбалке"
10.40 "В мире живот-
ных"
11.10 Т/с "Байки
Митяя"
13.45, 18.30, 23.15
Большой спорт
14.05 "24 кадра"
14.35 "Трон"
15.05 Х/ф "Невыполни-
мое задание"
17.30 "Дуэль"
18.55 Хоккей.
21.15 Пляжный футбол.
22.05 Формула-1. Гран-
при Бразилии. Квали-
фикация

23.40 Х/ф "Параграф
78. Фильм первый"
01.25 "Танковый
биатлон"
03.25 Фигурное ката-
ние. Гран-при Китая.
06.30 "На пределе"
07.00 "ЕХперименты".
Сила солнца
07.30 Профессиональ-
ный бокс. Дмитрий
Михайленко (Россия)
против Рональда Круса
(США). Василий
Лепихин (Россия)
против Джексона
Джунiora (Бразилия).
Прямая трансляция из
США

Якшанба

10.00 Панорама дня.
LIVE
11.15 "Моя рыбалка"
12.00 "Танковый
биатлон"
14.00 "Полигон". Мины
14.30, 20.20 Большой
спорт
14.55 Хоккей. Евротур.
"Кубок Карьяла".
Россия - Чехия. Пря-
мая трансляция из
Финляндии
17.15 Х/ф "ПираМ-
ММидя"
19.20 "Основной
элемент". НЛП
20.45 Формула-1. Гран-
при Бразилии. Прямая
трансляция
23.15, 07.10 Х/ф
"Параграф 78. Фильм
второй"
01.00 Большой футбол
01.50 Профессиональ-
ный бокс.
03.35 Баскетбол.
05.30 Х/ф "Параграф
78. Фильм первый"

Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!

**Ислом
КАРИМОВ:**

Юртимизда яшаётган ҳар қайси ёшу қари инсон, миллати, тили ва динидан қатъи назар, бошини баланд кўтариб, ягона Ватанимиз бўлмиш Ўзбекистонимизнинг гуллаб-яшнаши йўлидаги оламшумул ишларда менинг ҳам ҳиссам бор, деб айтишга ҳақлидир.

Мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологияларини ҳаётга кенг татбиқ этиш, жамиятни ахборотлаштириш ва ушбу соҳа бўйича малакали ва маънавий етук мутахассис кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Тошкент ахборот технологиялари университети Самарқанд филиали ҳам ана шу мақсадда ташкил этилган олий ўқув юртликлари билан бирликда қўйида филиалда амалга оширилаётган таълим-тарбия, илмий-тадқиқот ишлари ҳақида ҳикоя қиламиз.

Таълим даргоҳи ўз фаолиятини бошлаган кунданок барча бўлимлар ва кафедраларни юқори малакали, билимдон кадрлар билан таъминлаш борасида саъй-ҳаракатларни изчил олиб бормоқда.

Ўтган йиллар давомида филиалнинг ўқув-тарбиявий ва илмий-услубий тизимлари шаклланди. Бу тизимларнинг асосини ташкил этувчи профессор-ўқитувчилар таркиби дастлабки 40 кишилик гуруҳдан ҳозирги пайтдаги 79 кишилик мустақам жамоага айланди. Шу даврда жамоага беш нафар профессор ва 12 нафар фан номзоди қўшилди.

Барча машғуллотлар замонавий пед-



ТАТУ САМАРҚАНД ФИЛИАЛИ:

ИЗЛАНИШ ВА САМАРА

гоик ва ахборот технологиялари асосида олиб борилмоқда. Ҳар бир фан бўйича зарур материаллар ўқув-услубий мажмуа сифатида шакллантирилган. Кафедраларда ҳаммаси бўлиб 104та ўқув-услубий мажмуа яратилди. Ўқув жараёнига хизмат қилувчи техник жиҳозлар йилдан-йилга бойитиб бориляпти. Ҳозирги пайтда филиалда барча дарслар электрон тақдиротлар асосида мултимедиа воситалар ёрдамида ўтиляпти. Масофавий электрон таълим усуллари кенг жорий қилинди. 2014 йил давомида ТАТУнинг мутахассислик кафедралари томонидан 9та фан бўйича масофавий дарслар видеоконференция шаклида ташкиллаштирилди.

Самарқанд вилояти ҳокимлигида филиал билан ҳамкорликда "Е-Нижат" электрон ҳужжат алмашинув тизими ва "Е-Хат" ҳимояланган электрон почта ўрнатилган. Вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари ўртасида қоғозсиз ҳужжат алмашинуви ҳимояланган ана шу тармок орқали амалга оширилмоқда.

Вилоят ҳокимининг 2013 йил 21 мартдаги "Вилоятда ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва янада ривожлантириш чоратadbирлари тўғрисида"ги қарорига асосан Компютерлаштириш маркази ва ТАТУ Самарқанд филиали билан ҳамкорликда дастурий таъминотлар ишлаб чиқиш белгиланган бўлиб, бугунги кунда "Чигит", "Ғалла", "Фермер", "Иссиқхона", "Маҳалла", "Саноат", "Инвест" каби ахборот тизимлари жорий этилди. Саккизта ахборот тизими, маълумотларнинг электрон базасини ташкил этиш ва ахборот-ресурсларини яратиш ишлари амалга оширилди.

Интернет технологиялари ўқув жараёнига кенг қўламада татбиқ этиб бориляпти. Хусусан, ўқув жараёни учун ажратилган 250дан зиёд компютернинг ҳаммаси интернетга уланган. Талабалар нафақат аудитория дарсларида, балки мустақил иш, курс ишлари, битирув малакавий ишлари ва магистрлик диссертацияларини ба-

жаришда интернет ресурсларидан тўлиқ фойдаланишмоқда.

2012-2014 ўқув йилида филиал ходимларидан икки нафари докторлик, беш нафари номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилди.

Таълим даргоҳида 2014-2016 йиллар учун катта илмий ходим изланувчилик институтига кирувчилар (6 нафар) ва мустақил изланувчилар (12 нафар)нинг истиқболли режаси мавжуд. Айни пайтда 31 нафар ёш ходим катта илмий ходим изланувчилик институтига кириш учун профессор ва фан номзодлари раҳбарлиги остида қизгин тайёрларлик кўришмоқда.

ТАТУнинг бир қанча нуфузли университетлар, ташкилотлар ва компаниялар билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиши филиал олимларининг ҳам илмий салоҳиятини оширишга илҳомий таъсир кўрсатапти. Филиалга жорий йилда Япония, Корея, Малайзия давлатларининг нуфузли университетларидан профессор-ўқитувчилар ташриф буюришди. Улар билан ҳамкорликда илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш, бакалавр ва магистрларни ўқитишга, ўқитувчиларни малака оширишга жўнатиш масалалари келишиб олинди. Ҳозирги вақтгача икки нафар ўқитувчи Кореянинг Инҳа ва Чунг-Анг университетларида малака ошириб келди. Айни пайтда икки нафар ўқитувчи малака оширишга юборилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасининг 2012-2016 йиллар учун эълон қилинган илмий лойиҳалар танловига филиал профессор-ўқитувчилар томонидан бешта фундаментал ва амалий лойиҳалар берилди. Шундан иккита фундаментал, иккита амалий ва битта инновацион лойиҳаларга маблағ ажратилди.

2009 йилдан бошлаб Қ.Бекмуродов, Т.Хўжаев ва Ш.Хўжаевларнинг "Самарқандтумангаз", "Самарқанд-шаҳаргаз" корхоналари билан олиб борган ҳамкорликдаги ишлари нати-

жасида яратилган дастурий воситаларнинг қўлланилиши натижасида 12 миллион сўм, С.Кубаевнинг илмий изланишлари 40 миллион сўмлик иқтисодий самара келтирди. Шунингдек, А.Абдукаримов, Н.Шамсудинимиз Самарқанд давлат университетида олиб борилаётган Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасининг ОТ-Ф1-044 рақамли гранти, Ў.Саидов Фан ва технологияларини мувофиқлаштириш қўмитасининг ОТ-ЁФ-106 рақамли ёш олимлар гранти иштирокчиси ҳисобланишади.

2005-2014 ўқув йилларида филиал раҳбарияти, иқтидорли талабалар билан ишлаш бўлими, кафедралар ва иқтидорли талабаларга бириктирилган илмий раҳбарлар изланишлар олиб бориб, жуда керакли ва муҳим натижаларни қўлга киритишди. Жумладан, талабалардан тўрт нафари Президент стипендиясига, олти нафари Беруний, 11 нафари Радиотехника, электроника, илмий техник жамияти, беш нафари Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги стипендияларига сазовор бўлишди.

Ҳар йили анъанавий равишда ўтказилиб келинаётган Очиқ эшиклар куни тадбирларини ташкил қилишда Самарқанд филиали директори ўринбосари Қосим Бекмуродов, "Табиий фанлар" кафедраси мудир Мамадиёр Яхшибоев, Иқтидорли талабалар билан ишлаш бўлими бошлиғи Турақул Нормуродовларнинг хизматлари катта.

"Ўзи" қўшма корхонаси Самарқанд филиали 33-АТСада ўқув амалиёти хонаси ташкил этган бўлиб, юқори босқич талабалари ҳафтада икки марта шу ерда ўтказиладиган амалиёт дарсларида қатнашишади.

Филиалда талабаларнинг битирув малакавий ишларига илмий раҳбарлик учун соҳа корхоналарининг малакали мутахассислари жалб қилинган. Жумладан, Самарқанд вилояти техник радионазорат станциясидан Отабек Узоқов, Аҳмад Олмасов, "Ўзбек-телеком" АК Самарқанд филиалидан Жумақул Абдуллаев, Абдували Ражабов, "Ўзи" қўшма корхонасидан Мансур Алиев, Алишер Ғайбуллаев, "Ўзбек-телеком" АК "ТТГ" 4-филиалидан Абдуманноп Шарафиддинов, Олим Бобобоев, Фуломжон Боймуродовлар бор билим ва маҳоратларини ёшларга ўргатиб боришмоқда.

Хулоса ўрнида шунини таъкидлаш жоизки, ТАТУ Самарқанд филиалида таълим олаётган бутунги талаба эртага соҳанинг етук мутахассиси бўлиб етишишга шубҳа йўқ.

Абдуғафур ХОТАМОВ,
"Xabar"нинг Самарқанд
вилоятидаги муҳбири

РАҚАМЛАР СЎЗЛАГАНДА:

● Филиалда иккита факультет, еттита кафедра мавжуд. Бу ерда уч нафар фан доктори, профессорлар, 19 нафар фан номзоди, доцентлар, 25 нафар катта ўқитувчи, 33 нафар ассистент, жами 79 нафар профессор-ўқитувчи фаолият олиб боради.

● Илм даргоҳида 41 нафар магистр, 1131 бакалавр таълим олмақда.

● Филиалнинг янги биноси 2011 йили фойдаланишга топширилган. Уч қаватли замонавий бинода 30та ўқув аудиторияси, 10та компютер хонаси, иккита ўқув лабораторияси, биттадан видеоконференция зали, мултимедиа, лингафон синфлари, электрон кутубхона ва ахборотлаштириш маркази талабаларга хизмат кўрсатапти. Ҳозирги замон талабларига тўлиқ жавоб берадиган замонавий спорт зали ва ахборот-ресурс маркази ҳам ўқитувчи ҳамда талабалар хизматида.

● Филиалда олти бакалавр ва битта магистратура мутахассислиги йўналишларида дарс бериллади.

BePro Давлат алоқа қўмитасининг илмий-тадқиқот танловига қатнашади.

Ўзбекистон Республикаси қонун билан тасдиқланган ўз давлат рамзлари — байроғи, герби ва мадҳиясига эга.



Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 1-боб, 5-модда.

SAYLOV-2014

Маълумки, шу йилнинг 21 декабрида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддаси иккинчи қисмига мурофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, шунингдек, вилоят, туман ва шаҳар давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов бўлиб ўтади.

ФАОЛ ҚАТНАШАМИЗ

Унда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган барча сиёсий партиялар — Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси ҳамда Ўзбекистон экологик ҳаракати вакиллари иштирок этади.

Юртимизда 2014 йилнинг 15 сентябридан сайловолди тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди. Биз ҳам маҳалламиз аҳлига очик ва эркин сайловлар ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятининг муҳим таркибий қисми бўлиб, халқнинг ўз хоҳиш-иродасини билдириши фуқароларнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришдаги иштирок этишининг асосий шакли эканини алоҳида таъкидлаётимиз. Тушунтириш ишларида маҳалламизнинг барча фаоллари иштирок этишяпти.

Маҳалламизда турли миллат вакиллари истиқомат қилишади. Улар ягона мақсад — республикамиз мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлида фидойилик билан меҳнат қилишмоқда. Биз келажакимиз эгалари бўлган ёшлар тарбиясига алоҳида эътибор бераймиз. Бу ишда маҳалламиз фах-



рийлари, ҳурматга сазовор аёлларимиз фаол иштирок этишяпти. Ёшларимиз орасида биринчи марта сайловда иштирок этади-ганлар ҳам анчагина. Биз сайловлар куни улар учун умр бўйи эслаб юрладиган қувончли кун бўлиб қолишига ҳаракат қиламиз.

Маълумки, қонунчиликка мурофиқ сайлов жараёнининг очиқлиги ва ошқоралигини таъминлаш давлат ҳокимияти вакиллик органлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишнинг асосий талабларидан биридир. Республикаимизнинг барча ҳудудларидаги сайлов участкаларида ана шундай очиқлик ва ошқораликка амал қилинади ва энг муносиб инсонлар эл хизматиға камар-басталик учун сайланадилар.

Хадича МИРЗАЕВА,
Учтепа туманидаги "Кўҳна
Чўпонота" маҳалла фуқаролар
йигини маслаҳатчиси

FOTO-XABAR



Суратда: "Ўзбекистон почтаси" АЖ Андижон филиали Пахтабод тумани почта алоқаси тармоғи ходимлари навбатдаги ишларни режалаштириб олишмоқда.

Т.ФАДУРОВ олган сурат.

2014-YIL — SOG'LOM BOLA YILI

МАЪРИФАТ МАСКАНИ

— 2007 йилдан буён фаолият кўрсатиб келаётган коллежимизда бугунги кунда 457 нафар имконияти чекланган йигит ва қиз таълим олапти, — дейди Фарғона шаҳар имконияти чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган республика касб-ҳунар коллежи директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Гулноза Давидова. — Республикаимизнинг турли ҳудудларидан келган ёшлар соғлом тенгдошлари қатори илм олишга, ҳунар эгаси бўлишга астойдил интилишади. Келгусида уларнинг жамиятда ўз ўринларини топишлари, комил инсон бўлиб етишишлари ва касб устаси бўлишлари учун коллежда қулай шарт-шароитлар мавжуд. Еттита тивувчилик, турта радиотелеаппаратураларни таъмирлаш ва уларга хизмат кўрсатиш устахонаси, заиф кўрувчилар учун махсус компютер хонаси, 17та фан хонаси, 400 ўринли тураржой ўқувчилар ихтиёрида. Ўқувчиларга 23 нафар педагог ва 23 нафар ишлаб чиқариш устаси томонидан, янги инновацион усулларни таълим жараёнига табиқ этган ҳолда, назарий ва амалий машғулотлар ўтказилмоқда. Коллеж ахборот-ресурс маркази китоб жамғармаси 8582тадан иборат бўлиб, бу ерда соҳага оид ва бадиий

адабиётларни топишингиз мумкин. Марказ кироатхонаси китобхон ўқувчилар билан доимо гавжум. Ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш ва интеллектуал салоҳиятларини ошириш мақсадида АРМ ходимларининг ўқитувчилар билан ҳамкорликдаги давра суҳбатлари, баҳслар, адабий ва мавзули тадбирлар уюштириб турилади.

Китобхонлар оммасига янада қулайлик яратиш мақсадида ётоқхонанинг маънавий хонасида кўчма кутубхона ташкил этилган.

Дарслардан сўнг ўқувчиларнинг бўш вақтларини унумли ўтказишлари учун 44та фан, касбий ва бадиий тўғараклар фаолият юритмоқда. Марказда компютер, интернет, электрон дарсликлар хизмати мавжуд бўлиб, китобхонлар улардан самарали фойдаланиб келмоқдалар.

Коллежда "Соғлом бола йили Давлат дастури" ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган.

Бу таълим муассасасидаги таълим-тарбия, амалга оширилаётган диққатга молик барча хайрли ишлар кўнгли ўксик йигит-қизларнинг мустақил ҳаётда ўз ўрнини топиб яшашига замин яратаётгани қувонарлидир.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ

АКТ-ХАВАРЛАР

Авиачипталарни интернетда харид қилиш мумкин

"Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси яқин кунлар ичида авиачипталарни Visa халқаро карточкалари орқали онлайн тартибда сотишни йўлга қўяди.

Мазкур электрон тижорат лойиҳасини ишга тушириш учун тайёргарлик ишларини миллий авиакомпания Ўзбекистон ташқи иқтисодиёт фаолият миллий банки билан биргаликда олиб бормоқда. Унга қўра, ушбу лойиҳа дунёнинг барча мамлакатларидаги Visa халқаро карточкалари эгаларига "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси чипталарини интернет орқали харид қилиш имконини беради.

Москвада палов интернет-тамаддихонаси

Ака-ука Зафар, Илҳом ва Дилшод Исмоиловлар Москвада "Плов №1" ("Биринчи рақамли палов") интернет-тамаддихонасини очиб, палов етказиб бериш хизматини йўлга қўйд.

Илҳом Исмоиловнинг айтишича, Шарқда шундай анъана бор: эркаклар кўпинча ҳафтанинг пайшанба кунлари ош еб, доно фикрлар билан бўлишиш учун йиғилади. Москвада ҳам бунини унутиб қўйишмаган.

"Плов №1" интернет-ресторани 2013 йил кузидан ишлаб бошлаган. Уша пайтда менюда 1 порция ош ва сомсадан иборат ягона вариант мавжуд бўлган бўлса, бугунги кунда ундан уч турдаги ош ўрин олди. Булар классик ўзбекча

палов, байрам палови (майиз ва зира қўшилган) ҳамда вегетарианча палов, шунингдек, сабзавотлардан ассорти ва ўзбекча обидир. Ресторан асосчиларининг таъкидлашича, тез орада шарқона ширинликлар, салатлар ва сомсалар ҳисобига таомнома янада рангбаранг бўлади.

Ҳозирда "Плов №1" кунига ўртача 50та буюртма қабул қилмоқда. Ака-ука Исмоиловлар йил охиригача ушбу кўрсаткич кунига юзтага етишини ният қилишмоқда.



Зиммасидаги вазифага нисбатан чуқур масъулият ҳисси Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг Давлат фелдъегерлик хизмати навбатчилик ва қўриқлаш бўлими бошлиғи Шоасрор ШОҲАКИМОВГА ота-онасидан ўтган бўлса, ажаб эмас.

давомида мендаги топширилган вазифага нисбатан масъулият, она юртва муҳаббат янада ортди, — дейди Шоасрор биз билан суҳбатда. — Мамлакатимизга келган меҳмонлар, сайёҳлар ўз юртва оламола таассуротлар билан қайтганларига гувоҳ



Аҳоли, корхона ва ташкилотлар раҳбарларидан миннатдорлик сўзларини эшитар экан, ундаги ишига бўлган иштиёқ янада ортиб борарди. Шу билан бирга, жамоадагиларнинг ҳам унга бўлган ишончи ошди. Бу эса Шоасрорнинг хизмат пиллапояларидан кўтарилишига сабаб бўлди.

Ш.Шоҳақимов 2002 йили Давлат фелдъегерлик хизматининг муҳим топшириқлар бўйича фелдъалоқа катта офицери бўлган бўлса, 2006 йили янада масъулиятли вазифа — навбатчилик ва қўриқлаш бўлими бошлиғи лавозими ишончи топширилди.

Шоасрор ўн йил бўлибдики, ўзига юклатилган бу муҳим вазифани шараф билан адо этмоқда.

Юртимизда инсон меҳнати юксак қадрланади. Бу Шоасрор Шоҳақимов ҳаётида ҳам ўз аксини топди. Президентимизнинг яқинда матбуотда эълон қилинган "Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимлари куни муносабати билан бир гуруҳ ходимларни мукофотлаш тўғрисида"ги фармонига биноан "Содиқ хизматлари учун" медали билан мукофотланди.

Мукофотдан ака-опалари ҳамда рафиқаси Раҳимахон, қизлари Азиза ва Ҳалима, ўғли Шоасқарларнинг қувончи оламини тутди. Жамоадагиларни айтмайсизми?! Улар ҳам Шоасрорнинг қувончига шерик бўлишди.

— Тўғриси айтсам, камтарона меҳнатларим шу даражада қадр топади, деб ўйламаган эдим. Мукофот жамоадошларим меҳнатига берилган баҳо деб ўйлайман. Эришаётган ҳар бир ютуғида уларнинг ҳиссасини ҳис қилиб тураман, — дейди подполковник Ш.Шоҳақимов.

Биз ҳам Шоасрорни ушбу юксак мукофот билан табриқлаймиз, эзгу ишларида ютуқлар тилаймиз.

Муборак МИРКАМОЛОВА

МАСЪУЛИЯТ

Зеро, "ЎзбекўртаОсиёсовхоз-қурилиш" бошқармасида узоқ йиллар бош муҳандис бўлиб ишлаган отаси Шомурод ака ҳамда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги қошидаги ҳарбий ветеринария лабораторияси лаборанти Насибхон опалар (Аллоҳ уларни ўз раҳматиға олсин) ўз ишига масъулият билан қаровчи, ҳар бир топшириқни аъло даражада бажаришга одатланган инсонлар эди. Улар оиласида дунёга келган фарзандларнинг ҳаммаси ҳам меҳнатсевар, эл иши учун фидойи инсонлар бўлиб вояга етишди. Ҳаммалари ўқиб, ўзлари севаиб касб эгалари бўлишди.

Чилонзор туманидаги 128-мактабни аъло баҳолар билан битирган кенжа фарзанд Шоасрорнинг олдида эса икки йул турарди: бири онасининг ишхонасига баъза-баъзида борган пайтларида кўргани — офицерлар эғнидаги ҳарбий кийимни кўриб, пайдо бўлган ушбу касбга қизиқиш, иккинчиси эса замон талабига мос равишда чет тилини ўрганишга бўлган иштиёқ. Шунда у иккинчи йўлни танлади — 1990 йили Тошкент Давлат жаҳон тиллари университетининг инглиз тили филологияси факултетига ўқишга кирди. Университетдаги ўқиши давомида у талабаларнинг олдинги сафида бўлишга ҳаракат қилди, ўқиш ва жамоат ишларида кўпчиликка намуна бўлди. Талабалик даври ҳам бирпасда ўтди-кетди. Олий маълумотли бўлганлиги ҳақидаги диплом билан Шоасрор "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпаниясига таржимон бўлиб ишга жойлашди.

— Компаниядаги икки йиллик фаолиятим

Соқинахон билан бўладиган суҳбатларимиз мавзун ҳаётдан мақсад, меҳр-оқибат, ҳаромдан ҳазар, инсоф-диёнат ҳақида бўларди. Оиланг, болаларинг, бош эганги севиш, ардоқлаш, меҳнат борки, шодлик бор. дея умргузароналик қилиш битмас-тўганмас бахт-саодатдир — исми жисмига монанд "умрини ганимат билувчи, шўқр қилгувчи" — Соқинахон шундай деб билар, шунга амал қиларди.

Турмуш ўртоғини пиридек ҳурматлар, эрининг дардиға даво излаб дорихоналарни сарсари кезиб юрганини, дуоларида унга умр тилаб муножот қилганларини кўп кўргандим. Турмуш ўртоғининг гапи гап, сўзи сўз, оила қонуни эди. Зеро, оила деганлари шундагина ширин, безавол бўлгуси.

Пойдевори ишонч, меҳрдан иборат оила Соқинахон билан Обиджон почта соҳасида ишлаган кезлар, яъни ҳали телекоммуникация ва почта соҳалари ажралмаган тўқсонинчи йиллар бошида барпо бўлганди. Меҳр-муҳаббат мевалари — Зилолаҳон, Зиёдахон, Муслимаҳонлар оиланинг энг катта-бойлиги. Шуларни деб икковлон фиштигача ўзлари қуйиб, бир неча йил давомида икки қаватли мўъжазгина уй қуришди. Бу Меҳр-муҳаббат уйи гўё қасрлардек маҳобатли ва жозибдор кўринарди уларнинг кўзларига. Тўнғичлари кўзга кўриниб қолгач, совчиларнинг кети узилмайди.

Тўғри феъл-атворли кишилар икки оламда ҳам бахтиёр бўладилар.

Юсуф Хос ХОЖИБ

ШУНДАЙ СЕВИШ КЕРАККИ...

ган бўлди. Зилолаҳон яхши хонадонга келиб бўлди. Энди набира кутишаётганди. Аммо... Унинг пешонасига набирасини бағрига босиб, тарбиялаш бахти ёзилмаган экан...

У ҳақида ўтган замонда ёзиш армонли, аламли. Навнихол қизлардек малоҳати, нафосати барқ уриб турадиган Соқинахон энди орамизда йўқ. Лекин унинг ҳаммага мақбул ишлари, чиройли суврати ҳамманинг ёдида.

Ишхонада тўсатдан тоби қочиб қолганида, барча унинг атрофида гир-гир юргани, "Тез ёрдам" чақирилгани, жамоа аъзоларининг "Тез тиббий ёрдам" марказида қолиб кетган соатлар азиятини-чи? Унутиб бўлармикин? Азизахон, Сўҳробжон, Ботиржон, Рустамжон, Баҳодиржон, Ҳаётжон, Бунёджон каби ҳамкасбларнинг "Дори керакми? Қон керакми?" дея шифохонада тонг оттирганлари ҳам ёдимизда. Бўлмасамчи, яхши инсонни унутмайдилар, яхшилик, меҳр-оқибат йиллар ўтсада кечагидай хотираларда муҳрланиб тураверди.

— Соқинахоннинг вафотиға бир йил бўлди, — дейди "Ўзбектелеком" АК Фаргона филиали цех касаба уюшмаси қўмитаси раиси Хусанбой Аб-

дураҳимов. — У қирқ икки ёшда эди. Статистика ва прогнозлаштириш бўлимида узоқ йиллар самарали меҳнат қилиб, стақчи мутахассислар қаторидан ўрин олганди. Сидқидил ишлар, доимо филиал натижалари пухта ва аниқ бўлишига астойдил ҳисса қўшишга интиларди.

— Бизларни опа-сингил деб ўйлашарди, — дейди келин ойиси, филиал кадрлар бўлими ходими Раънохон Иброҳимова. — Аҳил-иноқлигимиз кўпларни ҳайрон қолдирарди. Чиндан ҳам жигаримдек яқин эди. Тўнғичи билан кичигини эмизганим учун бу вича деб катта бўлишди, уларга кўшилиб, ўртанчаси Зиёдахон ҳам, у алоқа коллежида 3-босқичда ўқийди, шундай қақиради. Муслимаҳон жуда кичкина, мактабда 4-синфда ўқийди. Келинча, кўришиб, юзларидан чўлп-чўлп ўпар эканман, алланечук бўлиб кетишди. Эркалал суяман. Аммо онаизорнинг ўрнини босиб бўлармиди! Ҳеч ким она ўрниға даъвогарлик қилолмайди, — давом этади Раънохон. — Қайнотам билан қайнонам ажойиб фарзандларни тарбиялаб камолга етказишган. Бири шу ажойиб, бахтини тўғрилиқдан истаган Соқинахон эди. Турмуш ўртоғининг унга

бўлган меҳри ҳам шундан бир далolat эди, албатта. Обиджон Соқинахоннинг столидаги нарсаларини олиб кетгани келганини мен кўрмадим, йиптилар айтишди. "Билмаган эканман, фаришта бўлиб келиб, фаришта бўлиб кетган экан" дея юзларини бекитиб елкалари силкиниб-силкиниб йиғлабди. Тортмасида ўнғача китоби бўларди. Китобларни юз-кўзларига суртиб-суртиб, сумкаға жойлаб хонадан базўр қиқиб кетибди.

Алҳол битта китоби — Ўзбек адабиёти бўстони туркумидан "Қадимий ҳикматлар" Раънохонда ҳам қолган экан, Юсуф Хос Ҳожибнинг "Куталғу билиг" асаридаги Соқинахон белгиланган жойларни қайта-қайта кўздан кеңирдик. Ҳикматларға тўла матнлар орасида айниқса "... тўғри феъл-атворли кишилар икки оламда ҳам бахтиёр бўладилар" сатрлари қалбимизда ўзгача садо бериб, таскин-тасалли бағишлади.

Соқинахон Маматовадан учмас из бўлиб солиға фарзандлар, ширин ва эзгу сўзлар қолди.

Ҳафиза САЛЯҲОВА,
"Xabar"нинг Фаргона
вилоятидаги муҳбири

Жорий йилнинг ноябр ойида Хоразм вилоят ахборот-кутубхона маркази ўзининг 75 йиллигини нишонлайди. Шимоли-ғарбий ҳудуддаги ушбу китоблар маскани бой маданий тарихга эга. Марказнинг ўтмиши ва бугунги фаолияти тўғрисида унинг директори Раҳимбой ҚУРБОНОВ билан суҳбатлашдик.

Хоразм вилоят АКМ:

— Раҳимбой Собирович, марказнинг дастлабки ташкил этилган даврдаги фаолияти ҳақида тўхталсангиз?

— Марказимизнинг ташкил топшиши узоқ 20-йиллар билан боғлиқ. Худди шу йили Хивада биринчи кутубхона очилиб, китобхонларга хизмат қила бошлади. Хива халқи — китобхон халқ. Биринчи кутубхона аъзолари шаҳарнинг ёшлари бўлишди. Аста-секинлик билан унинг китоб бойлигидан катта ёшдаги аҳоли, ҳатто қариялар ҳам фойдалана бошлади. Кутубхонада шу даврда тарих, тиббиёт, география фанларига оид ҳамда Ўзбекистон ва чет эл ёзувчи, шоирларнинг бадиий асарлари ҳам бор эди. Ўттизинчи йилларнинг охирига келиб, ўзбек бўлими ҳам фаолият кўрсата бошлади.

1934 йили кутубхона Хивадан Урганч шаҳрига кўчирилди ва шаҳар халқ таълими бўлими қошида округ кутубхонаси сифатида фаолият юрита бошлади. Шу пайтлари унинг китоб бойлиги 5838та китобдан иборат бўлган. Орадан икки йил ўтгач эса 16 минг нусхага етган.

1939 йилда кутубхона вилоят кутубхонаси мавқеига эга бўлди. Кутубхонага турли йилларда Хадича Кайбелова, Владимир Кузнецов, Лидия Милотина каби ўз ишининг етакчи мутахассислари раҳбарлик қилдилар. Унда Тупажон Нурметова, Рахила Галиева, Мария Семилеткина, Тўхтажон Ҳожиева сингари тажрибали кутубхоначилар ишладилар. Бу инсонлар вилоятда кутубхона ишини ривожлантиришга улкан ҳисса қўшдилар. Бу вақтда кутубхонадаги китоблар сони 40 минг нусха бўлиб, китобхонлар икки мингдан ошқ эди. Шу йиллари вилоятда жами 96та кутубхона аҳолига хизмат қиларди.

Эллигинчи йилларнинг бошларида вилоятимиз тарихи, иқтисоди, маданияти, воҳамиздаги атоқли арбобларнинг ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ ўлкашунослик материалларини йиғиш бўйича фаол ҳаракат бошланган. Кутубхона ходимларининг саъй-ҳаракатлари билан 132000дан зиёд ноёб ва ноқад асарларга эга бўлган ўлкашунослик картотекаси ташкил этилган. Кутубхонамиз еттиинчи йилларнинг ўрта-



Суратда: АКМ ходимлари мулоқот устида.

ларига ҳозирги вилоят ички ишлар бошқармаси мажлислар залининг янги биноси қурилиши ўрнидаги бир қаватли мўъжазгина бинодаги фаолият олиб борган. Бу ерда шариоит унчалик етарли бўлмаса-да, китобхоналар ундан кўп фойдаланганлар. Шунингдек, бу ерда унча катта бўлмаган қироатхона (ўқиш зали) ҳам бўлиб, у доимо талабалар, олимлар ва бошқа зиёлилар билан гавжум бўларди. Бу қироатхона хизматидан ўзим ҳам кўп фойдаланганман. Залда ёруғлик кам бўлгани сабабли столларда лампалар ёниб тургани ҳамон эсимда.

Ана шу еттиинчи йилларнинг ўрталарида кутубхона Урганч шаҳрининг марказий кўчаларидан бирида қад кўтарган янги икки қаватли бинога кўчиб ўтди. Шу даврдан бошлаб кутубхона таркиби ўзгарди, ходимлар штати анча кенгайди. Натижада китоб ҳафталиклари, кизикувчилар клублари, адабий-муסיқий учрашувлар кўпайиб ўтказила бошланди. Уша пайтларда кутубхона фондини Ўзбекистон халқлари маънавий қадриятлари, тарихи ва маданиятига оид адабиётлар билан тўлдиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир.



Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси XII боб, 55-модда.

ЗАМОН БИЛАН ҲАМНАФАС

адабий-бадиий кечалар ва учрашувлар марказига айланди. Масалан, марказимизда ўтказилган "Энг яхши ўқимишли оила", "Ака-ука Гримм эртаклари дунёси" танлов ва бадиий кўргазмалари, Ўзбекистон халқ артисти Комилжон Отаниёзовнинг 95 йиллиги ҳамда таниқли шоир Муҳаммад Юсуфнинг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар ҳаммада катта таассурот қолдирди.

Айни пайтда АКМ ўзининг шахсий медиотекасига эга бўлиб, унда 12та овозли видеороликлар мавжуд. Мамлакатимиз мустақиллиги байрамнинг 23 йиллиги арафасида "Хоразм цивилизациясининг қадимги излари бўйлаб" номли мультимедиа-ли видеодискни яратиш бўйича ишлар ниҳоясига етказилди. Унда Хоразм Маъмур академияси олимлари томонидан бу соҳада яратилган ишлар, архив ҳужжатлари, ўлкашунослик, тарихий-архитектура музейлари материалларидан кенг фойдаланилди.

Ҳозирги кунда кутубхонамиз хизматидан турли касб эгалари фойдаланишяпти. Булар орасида фан арбоблари, ёзувчи ва шоирлар, ишчи ва хизматчилар, ўқувчи ва талабалар бор. Жами АКМ рўйхатида турганлар сони 20 000дан ошиб кетди.

Айни пайтда марказнинг 75 йиллигини нишонлар эканмиз, замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда кутубхона тармоғини, электрон кутубхонани янада такомиллаштириш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг интеллектуал эҳтиёжларини қондириш, маданий, маънавий-ахлоқий қадриятларни сақлаб қолишга йўналтирилган принципал янги ахборот марказини ташкил этиш, шунингдек, аҳолини янада кенгроқ ва тизимли ахборот билан таъминлаш ишлари амалга оширилмоқда.

Суҳбатни Нилуфар ЖАББОРОВА эътибор олдирди

Табриқлашув!

"Ўзбектелеком" АК Фарғона филиали жамоаси филиал ходими Исмоилжон НИШОҶОНОВНИ 55 ёши билан чин дилдан кутлайди. Унга мустаҳкам саломатлик, узоқ умр, фарзандлари роҳатини кўришини тилайди.

Қашқадарё радиотелеузастиш маркази жамоаси Одамтош радиотелевизион станцияси муҳандиси Абдураҳимжон ҲАМЕДОВНИ 50 ёши билан табриқлайди. Унга сийҳат-саломатлик, узоқ умр тилайди.

ООО "САМИНТЕХНОМ" ОКАЗЫВАЕТ СЛЕДУЮЩИЕ УСЛУГИ:

- Установка автомобильного газобаллонного оборудования европейского качества IV поколения (EPICA, CAPTIVA, LACETTI, COBALT, NEXIA II, ISUZU всех модификаций).
- Техническое обслуживание и выдача свидетельств для регистрации в ДПС.

Оплата по перечислению и пластиковой карточкой. Только у нас самые низкие цены. Экономьте свои деньги.

г. Самарканд.

Тел: +99893 333-04-26; +99893 333-04-35. Свидетельство №04558



ИНЧЕОН-2014

Жанубий Кореянинг Инчеон шаҳрида ўтказилган Парасиё ўйинларида мамлакатимиз спортчилари 22 олтин, 5 кумуш ва 4 бронза медални қўлга киритишди ва умумжамоа ҳисобида бешинчи ўринни эгаллаб, юртимизга ёруғ юз билан қайтишди.

Сузиш бўйича Дмитрий Хорлин, Кирилл Паньков, енгил атлетикачиларимиз Фахриддин Ҳамроев, Маъруфжон Муродиллаев ва ядро улоқтириш бўйича Мавлонбек Ҳайдаров Осиё рекордини ўрнатгани мамлакатимизда Паралимпия ҳаракати тобора ривожланаётганидан далолат беради.

Бу каби йирик спорт мусобақасида иккинчи мартаба иштирок этган Ўзбекистон делегацияси аъзолари Ватанимиз шаънини янада улуғлаб, овоз ва обод юртимизда Паралимпия ҳаракати жадал суръатларда тараққий этиб бораётганини амалда яна бир бор исботлашди.



ФУТБОЛ

"Пахтакор" — ўининчи мартаба миллий чемпионатимиз ғолиблигини қўлга киритди.

Пойтахтликлар олий лиганинг қолдирилган 21-турида ўз майдонида "Бухоро" жамоасини 4:0 ҳисобида мағлубиятга учратишди ва 66 очко тўплаб, чемпионлик масаласини муддатидан олдин ҳал этишди.

Иккинчи ва учинчи ўрин эгалари ҳам деярли аниқ — "Локомотив" ва "Насаф".



ФУТЗАЛ

"Ўзбекистон" спорт мажмуасида футзал бўйича Ўзбекистон XIX чемпионати биринчи давраси якунига этди.

Пойтахтнинг "Арбус" жамоаси 13 очко тўплаб, биринчи давра етакчисига айланди.

Ўзбекистон футзал ассоциацияси мусобақаларнинг энг яхши ўйинчиси дея Сарвар Шоаҳмедов (Локомотив, Тошкент)ни эътироф этди ва унга махсус кубокни топширди.



БАДМИНТОН

Пойтахтимизда бадминтон бўйича Ўзбекистон кубоги учун беллашувлар давом этапти.

Кубок ўйинларида 100 нафар спортчи 10 жамоа таркибида куч синашяпти. Ҳозирча, жамоавий баҳсларда тошкентлик, бухоролик, андижонлик спортчилар етакчи ўринларни банд этишди.

Таъкидлаш ўринлики, бадминтон ёш авлод орасида оммалашиб бораётир. Шу боис ҳам бу спорт тури 2015 йили бўлиб ўтадиган "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ҳамда "Универсиада" мусобақалари дастурига киритилган.



ОТ СПОРТИ

Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманида от спорти бўйича Ўзбекистон кубоги мусобақаси ўтказилди.

Уч кун давом этган мусобақада эллик нафардан зиёд энг кучли чавандоз ўзаро куч синашди.

Қизгин ва мурасасиз кечган беллашувларда "Лоу ловерейт", "Харизма", "Самира", "Кватро Жуниор" лақабли тулпорлари билан қатнашган Владимир Шмелёв, Нуржан Туякбаев, Оқил Собиржонов, Ғайрат Назаров баландлиги 120, 125, 130 сантиметрлик тўсиқлардан сакраб ўтиш бўйича биринчи ўринни қўлга киритди.



E'LON

"AUTO TRADE COOPERATION" МЧЖНИНГ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА МАРҲАМАТ!

2014 йил 3 декабр куни соат 11.00да бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига Куйичирчиқ туман СИБ томонидан куйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: ЖИБ Тошкент вилояти, Янгийўл тумани судининг 2012 йил 19 мартдаги 2883/5-сонли ижро варақасига асосан хатланган 2002 йил и/ч Волга "ГАЗ-3110" русумли д/р 10M995EA а/м — бошланғич баҳоси — 7 473 510 сўм ҳамда Тошкент вилояти Хўжалик судининг 2014 йил 22 октябрдаги 6787-сонли ижро варақасига асосан хатланган 1999 йили и/ч "Нексия" русумли д/р 10935VAA а/м — бошланғич баҳоси — 21 619 000 сўм. Мазкур автотранспорт воситалари сотилмай қолган тақдирда навбатдаги аукцион савдоси 2014 йил 18 декабр куни соат 11.00да ўтказилади.

2014 йил 20 ноябр куни соат 11.00да бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибда Такрорий ўтказиладиган очик аукцион савдосига Бекобод шаҳар СИБ томонидан куйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 2013 йил 12 августдаги 7440-сонли ижро варақасига асосан хатланган 1978 йил и/ч "ИЖ-2125" русумли д/р 11 О 9497 а/м — бошланғич баҳоси 660 530,60 сўм; 2012 йил 5 ноябрдаги 11308-сонли ижро варақасига асосан хатланган 1972 йил и/ч "ГАЗ-24" русумли д/р 11 Т 8238 а/м — бошланғич баҳоси 714 319 сўм; 2012 йил 23 июлдаги 7692-сонли ижро варақасига асосан хатланган 1984 йил и/ч "Москвич 2140" русумли д/р 11 V 5694 а/м — бошланғич баҳоси 256 910 сўм. 2011 йил 15 августдаги 10379-сонли ижро варақасига асосан хатланган 1997 йил и/ч "ДТ-75" русумли трактор — бошланғич баҳоси 1 842 289 сўм. Мазкур автотранспорт воситалари сотилмай қолган тақдирда навбатдаги аукцион савдоси 2014 йил 5 декабр куни соат 11.00да ўтказилади.

Савдолар "AUTO TRADE COOPERATION" МЧЖнинг савдолар залида бўлиб ўтади. Аукцион савдосига қўйилган автотранспорт воситалари билан суд департаменти вакили иштирокида бевосита танишиш мумкин. Аукцион савдоси ғолиби савдо ўтган кундан бошлаб 5 (беш) банк куни ичида мулк учун тўловларни амалга ошириши лозим. Талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00дан 16.00гача қабул қилинади ва аукцион савдоси бошланишидан 1 (бир) кун олдин соат 11.00да тўхтатилади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар "Закалат пули тўғрисидаги келишув"ни имзолагандан сўнг мулк бошланғич баҳосининг 10 (ун) фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "AUTO TRADE COOPERATION" МЧЖнинг ХОАТБ "InfinBANK"даги МФО: 01041, СТИР: 302477464, 20208000505015685001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва куйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: аукцион савдосида қатнашиш учун юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда; жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, закалат пули тўлаганлиги ҳақида тўлов ҳужжати.

Қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади.

Манзил: Тошкент шаҳри,
А.Темур 1-торкўчаси, 6-уй. Тел: (8595) 177-96-74.
Гувоҳнома № 005148


Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

"Ўзбектелеком" АК Бухоро филиали жамоаси Пешку телекоммуникациялар боғламаси бошлиғи Ҳасан Ҳамроевга акаси **Хайрулло ҲАМРОЕВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Тошкент ахборот технологиялари университети жамоаси телевизион технологиялар факултети катта ўқитувчилари Асқар Абдурахимов ҳамда Светлана Абдурахимоваларга волидаи муҳтарамаси **Кафия АБДУРАХИМОВА**нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

"Ўзбекистон почтаси" АЖ Фарғона филиали жамоаси почта хавфсизлиги хизмати бўлими бошлиғи Мирзоалим Далабоевга турмуш ўртоғи **Маликаҳон ДАДАБОВЕВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

КРОССВОРД



БҮЙИГА

1. Дастурлаш тили. 2. Ока дарёси ўнг irmoғи. 3. Тоғ ёввойи кўйи. 4. Швед автомобили. 5. Жонзотлар дунёси. 6. Бадий поэтик жанр. 7. Алоқа воситаларидан бири. 8. Мадҳиёна асар. 9. Товарнинг идиши билан оғирлиги. 16. Қадимги юнон файласуфи. 17. Суратқаш курали. 21. Акробатик усул. 23. Иқтисодиёт бўйича Нобел мукофоти соҳиби. 29. Париждаги машҳур майдон. 31. Чилангар асоби. 32. Африкадаги шаршара. 33. Ёпишқоқ тасма. 34. Заҳарли илон. 35. Пахтадан тайёрланадиган силлик мато. 36. Австралия "халтали" айиқчаси. 40. "Манчестер Юнайтед" собиқ футболчиси — Рой ... 41. "... Арабия", "... Франс" — авиакомпаниялар.

ЭНИГА:

10. Иссиқ кийим. 11. АҚШ штати. 12. Самарқанд вилоятидаги туман. 13. Француз футбол клуби. 14. Электр токини ўлчовчи сезувчанлиги юқори асбоб. 15. Ҳарбий пиёда транспорти. 18. Пушаймон, тавба. 19. Қозон. 20. Ўзбек автомобилсозлари шаҳри. 22. Қаттиқ қопламали йўл. 24. Баҳорий кўкат. 25. "Илдизлар ва ...лар" (асар). 26. Украин миллий рақси. 27. Болгариядаги порт-шаҳар. 28. Таниқли италян бастакори. 30. Бурж. 37. Кулоллар ишлатадиган тупроқ. 38. Испан мустамлакачилари (Жанубий Америка). 39. Немис файласуфи. 42. Қимматбаҳо тош. 43. Француз Полинезиясидаги энг йирик орол-давлат. 44. Йўловчи ташувчи кема.

Тузувчи: С.ТЕМИРОВ

BRENDOMANIYA

Picasa — Lifescare компанияси томонидан 2002 йили ишлаб чиқилган, рақамли суратлар билан ишловчи бепул дастур. Ҳозир Google корпорацияси ихтиёрида. "Picasa" сўзи машҳур испан rassomi Пабло Пикассо номи, "менинг уйим" ибораси (испанча — mi casa) ва "фото", "сурат" (инглизча — pic) сўзлари жамланмасидан ясалган. Логотипдаги турли ранглар фотокамера "затвори" (тирқиши)ни ифодалаб, уларнинг негативида уйнинг тасвирини кўриш мумкин. Буларнинг ҳаммаси биргаликда "Сизнинг фотосуратларингиз учун уй" маъносига эга.



Picasa

BILIB QO'YGAN YAXSHI

ЧОЙ ҚАЙ ҲОЛАТДА ФОЙДАЛИ?

Чой — халқимизнинг севимли ичимликларидан бири. Уни ичиб танамиз яйрайди, таъмидан роҳатланамиз. Бу эса саломатлигимизга ижобий таъсирини кўрсатади.

Чойни, мунтазам истеъмол қилганимиз сабабли, унинг шукрки, юртимизда инфаркт, инсулт, саратон касалига чалиниш даражаси бошқа мамлакатларга қараганда бирмунча паст.

Лекин чойхўрлик жуда оммалашган Англияда бундай касалликларга чалинувчилар кўпайиб борапти. Демак, чойни қандай тайёрлашда ҳам гап кўп экан-да! Кузатишлар шундан далолат бермоқдаки, Англиядаги чойхўрлар бу ёқимли ичимликка сут кўшиб ичишни ёқтиришар экан. Сутдаги оксилларнинг чойдаги фойдали флавоноидларга бирикishi туфайли унинг фаоллиги йўқолади, деган хулосага келишди тадқиқотчилар. Демак, сут кўшиб орқали чойнинг фойдалилик хусусияти кесилар экан.

Ҳўш, чойни қай ҳолатда тайёрласак, унинг саломатлигимизга таъсири кўпроқ бўлади. Таҳлилий кимё билан шуғулланувчи олимларнинг фикрича, чойнинг фойдалилик хусусияти дамлаган заҳоти эмас, балки 15-20 дақиқадан кейингина тўлиқ намоён бўлади. Демак, биз ҳам чойхўрлик санъатини жойига қўелмас эканмиз. Ахир, чойни дамлаган заҳоти дарҳол ичишга тушамиз-да.

Бостон университети олимлари чойнинг яна бир аjoyиб хусусиятини кашф қилишди. Яъни, чой қон томирлар ички сиртини қоплаган юпқа хужайра қавати — эндотелийни муҳофаза қилар экан. Ваҳоланки, кишининг атеросклероз, ишемия, инфаркт ва инсултга қай даражада чалиниши ана шу юпқа қават ҳолатига боғлиқ. Олимларнинг таъкидлашича, чой ичгандан икки соат ўтгач, эндотелий ҳолати ижобий томонга ўзгаради. Чойдаги флавоноидлар бу юпқа қаватни ёғли овқатлар етказадиган зарарлардан яхшигина ҳимоя қилади.

Шунингдек, чойни шакар солмасдан ичиш фойдалироқ экан. Бундай чой тиш эмалини қарисдан асрайди. Иллинойс университети мутахассислари бундан ўз тадқиқотлари орқали исбот қилишар: Уларнинг фикрича, чойни дарҳол эмас, балки оғизда бир оз сақлаб, кейин ютган маъқул. Бу вақт мобайнида чойдаги флавоноидлар оғиз бўшлиғига жойлашиб олган қарисни келтириб чиқарувчи бактерияларнинг кўпайишига қаршилик кўрсатади. Чой суяк мустаҳкамлигини ҳам оширади. Шунингдан ташқари, антиоксидантлар қора чойга нисбатан кўк чойда уч баравар кўпроқ экан.

BILASIZMI?

■ Кўёшдан келаётган шамоллар оқимини Ернинг магнит майдони шарқ ёки ғарб томонга йўналтиради.

■ Ер юзида юраги ўнг томонга жойлашган йигитларга нисбатан шундай ҳолатда туғилган кизлар кўпроқ учрайди.

■ Қизил ранг Ҳиндистонда аскарлар рамзи ҳисобланади.

■ Витаминлар етишмаслиги она қорнидаги ҳомилага кўпроқ зарар келтиради.

■ Муҳаббат ҳақидаги энг қадимий кўшиқ 4000 йил олдин икки дарё оралиғи (Дажла ва Фрот) ҳудудида ёзилган.

Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АЛОҚА, АХБОРОТЛАШТИРИШ ВА
ТЕЛЕКОМУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
ДАВЛАТ ҚўМИТАСИ

Бош муҳаррир Абдусад КўЧИМОВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва
ахборот агентлиги томонидан
0016 рақам билан 2013 йил
23 июлда рўйхатга олинган.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Хуршид МИРЗАХИДОВ (Ҳайъат раиси), Махсум МАҲМУДОВ,
Алишер ФАЙЗУЛЛАЕВ, Миродил САНГИЛОВ, Рустам ҚОСИМОВ,
Сувон НАЖИДДИНОВ, Абдулгани АБДУРАҲМОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари),
Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб).

Тахририятга келган кўлема ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.
Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқланishi мумкин.
Нашримиздан кўчириб босилганда "Xabar"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Реклама матнларининг тўричилиги тахририят жавобгар эмас.
Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

Газета
ҳафтанинг
жума куни
чиқади

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмаҳонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри,
"Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

Г-1065 сонли буюртма.
Офсет усулида босилди.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ.
Адади: 10026 нуска.

МАНЗИЛИМИЗ:

100043, Тошкент,
Бувёждор шоҳхўчаси, 8-уй.
Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69.
Факс: 288-40-72. E-mail: info@xabar.uz

Обуна индекси — 228.

Газета тахририят компютер
базасида терилди ва саҳифаланди.

Дизайнер: Аслиддин БЎРИЕВ.
Навбатчи: Аслиддин БЎРИЕВ.

ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 20.00.
Босишга топширилиши вақти — 20.00.